Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 100 (7490). 22 май, 1981 йил ◆ ЖУМА Баҳоси 2 тийин

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ГРУЗИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 21 майда Москвадан Тбилисига жўнаб кетди. У Грузия ССР билан Грузия Коммунистик партиясининг 60 йиллиги байрамида қатнашади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Д. Ф. Устинов ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга жўнаб кетди.

Аэродромда ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари К. М. Боголюбов, Б. П. Бугаев, Г. С. Павлов, Г. К. Цинев, Н. А. Щелоков, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин кузатиб қолдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари — КПСС Марказий Комитетининг аъзолари А. М. Александров, Г. Э. Цуканов, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат А. И. Блатов ҳам Тбилисига жўнаб кетдилар.

(ТАСС).

* * *

ТБИЛИСИ, 21 май. (ТАСС). Тбилиси аэропорти байрамона безатилган. СССР Давлат байроғини ўраб турган ўн беш иттифоқдош республиканинг байроқлари шамолда ҳилпираб турибди. Майдонда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари кўзга ташланади. Кишиларнинг чеҳраси шод-хуррам: республика меҳнат илғорлари, партия, Улуғ Ватан уруши ветеранлари, тилларда достон бўлган Кичик ердаги жангларнинг қатнашчилари, ўзларининг миллий либосларини кийиб олган барча қардош республикаларнинг вакиллари, ҳарбий бошлиқлар, жамоатчилик намояндалари, пионерлар шу ерга йиғилдилар. Рус ва грузин тилларида: «Азиз Леонид Ильич, Совет Грузияси Сизни қизғин табриклайди!» деб қирмизи алвонларга ёзилган шиорлар аэропорт биносини безаб турибди.

(Давоми 2-бетда).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ—БЕШ ЙИЛЛИККА

Тошкент области меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари, ишлаб чиқариш илғорларининг ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик ва ундан ҳам кўпроқ топшириқларни бажариш соҳасидаги ташаббуси тўғрисида»ги қарорларини баланд руҳ билан кутиб олдилар.

Меҳнат коллективларида бу қарорларни муҳокама қилиш давомида ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари Москва, Ленинград, Тошкент меҳнаткашларининг ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш, шу йилнинг шахсий ва бригада планларининг 7 ноябргача бажарилишига эришиш юзасидан бошлаган ташаббусларини кенг қўллаб-қувватламоқдалар ва ўз куч-ғайратлари, билимлари, ижодий изланишларини 1981 йил социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашнинг ҳал қилувчи участкаларига йўналтирмоқдалар.

Саноат, қурилиш ва транспорт корхоналарининг бир группа ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли йиллигини муносиб кутиб олиш учун интилиб, областимизда биринчилар қаторида 1981 йил планини 7 ноябргача бажариш ҳақида социалистик мажбуриятлар олдилар. Улар орасида Тошкент трактор заводи ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати М. Туропов, «Ташсельмаш» заводининг автоматчи токари, КПСС XXVI съезди делегати Ю. И. Степаненко, В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг штамповкачиси Р. Зикриев, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр монтажчиси Ю. И. Родионов, «Узбекхиммаш» заводининг бригадири С. В. Киося ўртоқлар, «Узбекхиммаш» заводининг 203 кишидан ташкил топган 11 бригадаси коллективи, Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси М. Турсунхўжаева, Оққўрғон тўқимачилик-галантерея фабрикаси тикувчи-мотористлар бригадири К. А. Лукина, янги Тошкент консерва заводи қадоқловчиси, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати Ш. Абдуллаева, Янгийўл пойабзал фабрикаси бичиқчилик участкаси бичиқчиси Б. М. Мирхамитова, «Узбекшахтострой» трести 95-кўчма механизациялашган колоннанинг А. С. Зборивец бошлиқ комплекс бригадаси, «Главташкентстрой» 1-уйсозлик комбинатининг қолипловчилар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати И. Х. Орипов, 160-қурилиш тресги «Чирчикхимстрой» қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бригадири, КПСС XXVI съезди делегати С. Бахриев, Оққўрғон автобус-таксомотор паркининг такси ҳайдовчиси А. Ҳасанов, Ангрендаги 72-автокорхона самосвал ҳайдовчиси А. Я. Чумаков, Ангрен йўл-эксплуатация участкаси коммунистик меҳнат бригадаси бригадири А. Ж. Жўраев, Чирчиқ шаҳар узелининг телеграфчиси Э. С. Кошевскаялар, «Миконд» заводи 3-цехи коллективи (цех бошлиғи Н. Р. Орипов, партия ташкилоти секретари З. Т. Қосимов ўртоқлар) бор.

Ўзбекистон Компартияси область комитети 1981 йил планини Улуғ Октябрнинг 64 йиллигигача бажариш юзасидан зиммасига социалистик мажбуриятлар олган М. Туропов, Ю. И. Степаненко, Ю. И. Родионов, С. В. Киося, Р. Зикриев, М. Турсунхўжаева, К. А. Лукина, Ш. Абдуллаева, Б. М. Мирхамитова, А. С. Зборивец, И. Х. Орипов, С. Бахриев, А. Хасанов, А. Я. Чумаков, А. Ж. Жўраев, Э. С. Кошевская ўртоқлар ва «Миконд» заводи 3-цехи коллективининг (цех бошлиғи Н. Р. Орипов, партия ташкилоти секретари З. Т. Қосимов ўртоқлар) қимматли ташаббусини маъқуллади.

Шаҳар ва район партия комитетлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари, область касаба союзлари Советн, область касаба союз комитетлари, Ўзбекистон ЛКСМи область комитети, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига ушбу ташаббусни кенг ёйиш учун аниқ мақсадга қаратилган ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш, мусобақа қатнашчиларига қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишида ёрдам кўрсатиш, мусобақа натижаларини вақти-вақтида якунлаш, бунда меҳнат натижаларининг ошкоралиги ва таққосланишига алоҳида аҳамият бериш вазифаси юклатилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда», «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияларига мусобақа қатнашчилари томонидан мажбуриятлар бажарилишининг боришини мунтазам ёритиб туриш вазифаси юклатилди.

Маҳамаджон Шарифжонович
ТУРОПОВ,
Тошкент трактор заводи механика-йиғув цехининг созловчиси, КПСС XXVI съезди делегати

— МОСКВА ва Ленинграддаги илғор ишчиларнинг ташаббуси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган республикамиз ўн беш илғор ишчисининг ташаббуси Тошкент тракторсозлари қалбидан ҳам чуқур жой олди. Бунга жавобан заводимизда ишлаб чиқаришнинг ички резервларини қидириб топиш учун изланиш кучайди.

Мен ўз имкониятларимни ҳисобга олиб, ўн биринчи беш йиллик биринчи йили планини 7 октябргача — СССР Конституцияси кунигача, ўн биринчи беш йиллик топшириғини эса 3,5 йилда бажаришга аҳд қилдим. Шахсий тамға билан ишлайман, барча маҳсулотни биринчи сортга топшираман.

Юрий Иванович
СТЕПАНЕНКО,
«Ташсельмаш» заводининг токари, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати

— ЎНИНЧИ беш йилликда икки беш йиллик планини бажардим. Ўн биринчи беш йилликда ҳам шундай маррани эгаллашга аҳд қилдим. Токарлик автоматларида ишлайман. 3 та станокни, айрим вақтларда ҳатто тўртта автоматни бошқараман.

Бизнинг 15-механика-йиғув цехи коллективи пахта териш машиналари учун шпиндел барабанлари ва пахтани ажратиб олувчи шчеткалар ишлаб чиқаради. Мен ана шу маҳсулотлар учун деталлар тайёрлайман. Ўзимнинг шахсий тамғам бор. Бу беш йилликда беш ёш ишчини ўз касбимга ўргатаман, ками билан иккита рационализаторлик таклифи киритаман. 1,5 минг сўмлик қирқиш, ёрдамчи асбобларни ва электр энергиясини тежайман.



Юрий Иванович
РОДИОНОВ,
«Средазэлектроаппарат» бирлашмаси Тошкент электротехника заводининг электр монтажчиси, ВЛКСМ XVIII съезди делегати

— ЎТГАН беш йиллик планини 3,5 йилда бажардим, умуман ўнинчи беш йилликда етти йилликдан ортиқ планни уддаладим. Мен иссиқлик, атом, гидравлик электр станциялари учун электршчитлар ва бошқариш пультларини йиғаман. Қўлимдан чиқаётган маҳсулотга рекламация тушмаяпти.

Москва ва ленинградлик илғор ишчиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, иш усулларини такомиллаштириш ҳисобига бу йилги планни Улуғ Октябрнинг 64 йиллигигача, ўн биринчи беш йиллик топшириғини 3,5 йилда бажариш мажбуриятини оламан.

Степан Васильевич
КИОСЯ,
«Узбекхиммаш» заводи қозончилар бригадири

— БРИГАДАМИЗ коллективи химия саноати корхоналари учун иссиқлик алмаштиргичлар, буғлатиш қурилмалари ва бошқа аппаратураларни ишлаб чиқаради. Бригадамизда 22 киши ишлайди. Меҳнатни коллектив уюштириш ва ягона наряд бўйича ҳақ тўлаш прогрессив усули асосида ишлаяпмиз.

Москваликлар ва ленинградликларнинг ташаббусларидан хабардор бўлганимиз заҳоти уни бригадамиз Советида муҳокама қилдик. Йиллик топшириқни 7 ноябргача — Улуғ Октябрнинг 64 йиллигигача бажаришга аҳд қилдик. Пландагидан ташқари ками билан юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ўн биринчи беш йиллик топшириқлари эса 3 йилу 10 ойда бажарилади.

Раҳим Ҳидирбобоевич
ЗИКРИЕВ,
Бекобод металлургия заводининг созловчи-штамповкачиси

— ХАЛҚ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда меҳнат қиламан. Ўнинчи беш йилликни муддатидан илгари бажардим. Москвалик ва ленинградликларнинг ҳамда беш йиллик давомида ўн йиллик нормани бажаришга аҳд қилган ўзбекистонлик 15 илғор ишчининг ватанпарварлик ташаббусларини қўллаб-қувватлайман.

Бу йилги планни 7 ноябргача, беш йиллик топшириғини эса тўрт йилда бажариш мажбуриятини оламан. Уч ёш ишчига ўз касбимни ўргатаман. Барча маҳсулотни фақат биринчи сорт билан топшираман. Бу йил 1300 килограмм металл тунукаси тежаб қоламан. Штампларни ўз вақтида профилактика қилиш ҳисобига уларнинг чидамлилигини икки баравар оширишга ҳаракат қиламан.

Марзия
ТУРСУНХЎЖАЕВА,
Тошкент тўқимачилик комбинати 1-ишлаб чиқаришининг йигирувчиси

— ЎНИНЧИ беш йиллик йиллари давомида етти йиллик нормани бажардим. 207 тонна калава ишлаб чиқардим. Барча маҳсулотни биринчи сортга топширдим. А. Верзилина ташаббусига қўшилиб, ўнинчи беш йилликда беш ёш йигирувчига касбимни ўргатдим.

Ҳозирги вақтда тармоқ нормасидаги 1276 ўрнига 2076 урчуққа хизмат кўрсатяпман. Партия XXVI съезди очиладиган кунгача биринчи квартал планини бажардим. Йиллик топшириқни Октябрнинг 64 йиллигигача, ўн биринчи беш йиллик планини Ўзбекистон ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигигача бажараман. Кўп урчуққа хизмат кўрсатишдан иборат илғор тажрибамни ёш ишчилардан Л. Ашихлина ва А. Қосимовларга ўргатаман.

Клавдия Артемовна
ЛУКИНА,
Оққўрғон тўқимачилик-галантерея фабрикаси тикувчи мотористлар бригадири

— БИЗНИНГ бригадамиз меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириб, ўнинчи беш йиллик планини тўрт йилда бажарди, пландагидан ташқари салкам 10 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Москва ва Ленинград илғор ишчиларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаган, республикамиз ўн беш илғор ишчисининг ташаббусидан руҳланган бригадамиз аъзолари ўз имкониятларини ҳисобга олиб, бу йилги планни Улуғ Октябрь йиллигигача бажариш, барча маҳсулотнинг биринчи сорт билан ишлаб чиқариш, ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари — тўрт йилда бажаришга бир овоздан қарор қилдилар.

Шафоат **АБДУЛЛАЕВА,**
Янги Тошкент консерва заводининг қадоқловчиси, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати

— ЎТГАН йилги топшириқни муддатидан илгари бажардим. Москва ва Ленинград меҳнаткашларининг ҳамда республикамиздаги 15 илғор ишчининг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб ўн биринчи беш йиллик планини тўрт йилда, бу йилги топшириқни 7 ноябргача бажаришга қарор қилдим.

Тайёрланаётган маҳсулот сифатини муттасил яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишга ҳаракат қиламан. Фақатгина шахсий иш кўрсаткичларимни ошириш ҳақида қайғурибгина қолмайман. Касбдош дўстларимга янги техника, прогрессив технологияни ўзлаштиришда ёрдам бераман. Ширин маккажўхори қаламчаларини қадоқлашдан иборат ўз касбимни беш ёш ишчига ўргатаман.

Бахринисса Мирсабаевна
МИРХАМИТОВА,
Янгийўл пойабзал фабрикасининг бичиқчиси

— ЎНИНЧИ беш йиллик планини муддатидан илгари бажардим. Ишимнинг сифати ҳам яхши бўлди. Беш йиллик давомида 90 минг квадрат дециметрдан ортиқ чарм товарларини тежаб қолдим. Москва ва Ленинград илғор ишчиларининг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаб, республикамиз ўн беш илғор ишчиси ташаббусидан руҳланиб, бу йилги топшириқни Октябрнинг 64 йиллигигача, ўн биринчи беш йиллик планини 1984 йилнинг 1 мартигача, умуман беш йилликда 8 йиллик нормани бажариш, барча маҳсулотни биринчи кўрсатишдаёқ топширишга эришишга аҳд қилдим.

Беш йиллик давомида 100 минг квадрат дециметр астарли чарм товарлари тежаб қоламан. Тўрт ёш ишчига касбимни ўргатаман.

Антон Степанович
ЗБОРИВЕЦ,
«Узбекшахтострой» тресги 95-механизациялашган кўчма колоннаси бригадири

— МЕН раҳбарлик қилаётган комплекс бригада коллективи КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга ошириш учун курашиб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили планини Улуғ Октябрь революциясининг 64 йиллигигача бажаришга аҳд қилди.

Биз жами қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини бригада пудрати усули билан амалга ошириш, қурилишнинг норматив муддатларини ками билан 10 процент қисқартиришни таъминлаш, 25 куб метр бетон, 12 куб метр тилинган тахта, 4 тонна металл прокати тежаб қолишга аҳд қилдик. Барча объектларни «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширишга эришамиз.

Исмоил Холматович
ОРИПОВ,
«Главташкентстрой» 1-уйсозлик комбинати қолипловчилар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати

— БИЗ ўнинчи беш йилликда юксак сифатли ишлаш, топшириқни муддатидан илгари бажаришни ўргандик. Бу бизга ўз имкониятларимизни аниқлаш ва ишимизни янада такомиллаштиришга имкон берди.

Москваликлар ва ленинградликларнинг ташаббуси бригадамиз аъзолари томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланди. Бригада йиғилишида барча имкониятларни ҳисобга олиб, йиллик планни 7 ноябргача бажариш, меҳнат унумдорлигини пландагидан ташқари 2 процент ошириш, барча буюмларнинг 95 процентини биринчи кўрсатишдаёқ топшириш, 180 куб метр бетон ҳамда қолипларни мойлаш учун ишлатиладиган 200 тонна мойни тежаб қолиш мажбуриятини олдик.

Сайфутдин **БАХРИЕВ,**
160-қурилиш тресги комплекс коммунистик меҳнат бригадаси бригадири, КПСС XXVI съезди делегати

— БРИГАДАМИЗДА 15 киши ишлайди. Ҳозирги вақтда «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасини реконструкция қилишда иштирок этяпмиз.

Бригадамиз аъзолари Москва ва Ленинград илғорларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, зарбдор меҳнат қилишга қарор қилдилар. Шу йилнинг халқ хўжалик планини 7 ноябргача, беш йиллик планни эса 1984 йилнинг 1 Майигача бажариш мажбуриятини олдик. Барча бунёдкорлик ишларини «яхши» ва «аъло» баҳолар билан бажарамиз, бу йил 1800 сўмлик ёғоч-тахта, бетон, мих ва бошқа материалларни тежаб қоламиз. Беш йилликнинг кейинги йилларида ҳам тежамкорликнинг ана шу даражасини давом эттирамиз.

Абдурашид **ҲАСАНОВ,**
Оққўрғон автокорхонасининг такси ҳайдовчиси

— ЎТГАН йилги топшириқни 7 октябрда — СССР Конституцияси кунигача бажаришга муваффақ бўлдим. 1981 йил планини эса муддатидан илгари, Улуғ Октябрнинг 64 йиллигигача бажараман. Йил охиригача пландагидан ташқари пуллик 4,7 минг километр йўл босишга эришаман ва топшириқдагига қўшимча ками билан 1000 сўм даромад қиламан. Бир комплект автомобиль шиналарини, 200 сўмлик эҳтиёт қисмларни, 400 литр ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб қоламан.

Йўл транспорт ҳодисаларисиз ишлаш учун бутун маҳоратимни сарфлайман. Пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини муттасил ошириб бораман.

Анатолий Яковлевич
ЧУМАКОВ,
Ангрендаги 72-автокорхона шофёри

— ЎНИНЧИ беш йиллик планини 1978 йилнинг 25 апрелида бажардим. Мен москваликлар ва ленинградликлар ҳамда республикамизнинг 15 илғор ишчиси ташаббусларини маъқуллаб, йиллик планни Улуғ Октябрнинг 64 йиллигигача бажаришга аҳд қилдим.

Шу йилнинг биринчи квартал топшириғини партия XXVI съезди очиладиган кунгача бажардим. Ўзим бошқараётган «МАЗ-503» маркали автосамосвалда шу йилнинг 1 майигача 36 минг 870 тонна юк ташиб бердим, ҳозирги вақтда ноябрь ойи ҳисобига ишлаяпман. Йил охиригача 500 литр дизель ёнилғиси, 500 сўмлик эҳтиёт қисмларни тежаб қоламан. Беш йилликнинг ҳар бир навбатдаги йилида ҳам шунча миқдордаги материалларни тежаб қолишга ҳаракат қиламан.

Аҳматали Жўраевич
ЖЎРАЕВ,
Ангрен йўл-эксплуатация бошқармаси бригадири

— БРИГАДАМИЗ йўлларни ремонт қилиш билан шуғулланади. У саккиз кишидан иборат. Ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қиляпмиз. Барча механизмлар, бульдозер, автогрейдер, бетон қориштиргич ва бошқа йўл қурилиш машиналарини яхши ҳолатда бўлишини таъминлаяпмиз. Бу бизга ўтган беш йиллик топшириғини муддатидан анча илгари бажаришга ёрдам берди.

Москваликлар ва ленинградликларнинг ватанпарварлик ташаббусига коллективимиз бир овоздан қўшилди. Биз йиллик планни Улуғ Октябрнинг 64 йиллигигача бажариш мажбуриятини олдик. Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини эса 3,5 йилда уддалаймиз. Беш йиллик давомида эса ками билан етти йиллик топшириқни бажаришга эришамиз. Материалларни тежаб-тергаб сарфлаймиз, техникадан оқилона фойдаланамиз.

Эмилия Степановна
КОШЕВСКАЯ,
Чирчиқ алоқа узели телеграфчиси

— МЕН ўнинчи беш йиллик топшириғини 1980 йилнинг июнь ойида бажардим. Ўтган йили эришган энг муҳим маррам шу бўлдики, бир вақтнинг ўзида иккита телеграф аппаратида ишлашни ўргандим. Москва ва ленинградликларнинг ташаббуси менда ўн биринчи беш йиллик учун оширилган мажбурият олиш иштиёқини уйғотди. Икки аппаратда бир йўла ишлаб, бу йилги топшириқни 7 ноябргача, беш йиллик нормасини эса 3,5 йилда бажариш мажбуриятини олдим.

Бундан ташқари, телеграммаларнинг юксак сифат билан узатилиши ва қабул қилинишига эришаман, ишда сусткашликка йўл қўймайман. Беш йиллик якунловчи йилининг тўртинчи кварталида беш йиллик бошидан бери тежаб қолинган материаллар билан ишлайман. Беш йил давомида ўз касбимни 10 ёш ишчига ўргатаман.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлатга сабзавот, картошка, ҳўл мева, узум, полиз маҳсулотларини белгиланган муддатларда ва ассортиментда сотиш юзасидан юксак кўрсаткичларга эришган илғор областлар, районлар ва хўжаликларни рағбатлантириш мақсадида 1981 йил учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини таъсис этдилар:

Қорақалпоғистон АССР ва областлар учун — иккита;

— районлар учун — учта, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган район учун — битта;

— колхозлар учун — иккита;

— совхозлар учун — учта, шу жумладан Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг совхозлари учун — иккита кўчма Қизил байроқ берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини 1981 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг тақдимига биноан ой сайин иш натижаларига кўра ҳисоблаги ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай беришга қарор қилинди.

Мева-сабзавотчилик хўжаликлари ва илғорларини рағбатлантириш учун кўчма Қизил байроқларни бериш чоғида Қорақалпоғистон АССРга ва областларга 1000 сўмдан, районларга 500 сўмдан, колхоз ва совхозларга 250 сўмдан пул ажратилади.

Кўчма Қизил байроқлар билан мукофотлаш чоғида «Ўзбекбирлашув»га мева-сабзавотчилик илғорларига сотиш учун Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига учтадан, район ижроия комитетларига иккитадан, колхоз ва совхозларга биттадан «Москвич» ёки «Жигули» енгил автомашинаси ажратиш топширилди.

ИЛҲОМБАХШ ИЖОДИМИЗ — СЕНГА, ПАРТИЯ!

Ўзбекистон диёрида икки қардош халқнинг улуғ фарзандлари — Жомий ва Навоийга ҳурмат-эҳтиром белгиси бўлган ёдгорлик бор. Улар асрлар оша ҳозирги кунда ҳам инсон қалбининг энг муқаддас торларини чертиб ўтадиган шеърлар ёзибгина қолмай, шу билан бирга тожик ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги қалин алоқаларга асос солдилар. Ҳар иккала халқ адабиётлари ўртасидаги алоқалар совет халқларининг ягона кўп миллатли оиласида Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин айниқса барқ уриб яшнади.

20 май куни Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида Ватан ҳақидаги, Советлар диёрида яшаш бахти тўғрисидаги, халқ, партия, замондошимиз ҳақидаги шеърлар янгради. Бу ерда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунларининг адабий қисми очилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов меҳмонларни самимий табриклаб, қардош республика ёзувчиларига янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Ленин партиясининг улуғвор бунёдкор режаларидан илҳомланган биз, совет ёзувчилари эндиликда санъаткор сўзи билан КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга интилмоқдамиз, — деди у. Бизлар Леонид Ильич Брежнев съездда қилган ўз докладида адабиёт ва санъат арбобларига юксак баҳо берганлигини яхши биламиз. Бу баҳо ҳозирги кунда Ватанимиз халқларининг 74 хил тилида ижод қилаётган совет ёзувчилари олдига катта масъулият қўяди. Бир нарса беихтиёр эсга тушадики, СССР ёзувчиларининг биринчи съездида қарийб 40 тилда совет адабиёти яратилаётганлиги тўғрисида гапирилган эди. Эндиликда бу рақам икки баравар кўпайди. Мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстлик, адабиётларимиз ўртасидаги дўстлик, халқларимиз маданиятининг ўзаро бойиб бораётганлиги бундай ўсиш манбаларидан биридир.

Дўстлик, маданиятларимизнинг ўзаро бойишига Совет ҳокимияти учун кураш олиб борилган йиллардаёқ асос солинган эди, деди Тожикистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Мўмин Қаноатов. Тожикистоннинг янги, социалистик адабиёти нинг вужудга келиши ва қарор топиши тарихига Айний ва Ҳамза номлари битилган. Уларнинг ижоди ўзбек ва тожиклар учун бир хилда қадрлидир. Мирзо Турсунзода ва Ғафур Ғуломни ажойиб ижодий дўстлик ўзаро боғлаган эди. Улкан сўз усталари, моҳир таржимонлар китобхонларни тожик ва ўзбек адабиётининг ажойиб асарлари билан яқиндан таништириш учун кўп иш қилдилар.

Кечада Зулфиянинг тожик поэзиясидан таржима қилган янги шеърлари тожик шоирининг ана шу фикрини гўё давом эттиргандек бўлди. Халқ шоираси ўзининг тожик қардошларга қаратилган совет халқлари ўртасида дўстликни шарафловчи янги шеърини ҳам ўқиб берди.

Мирсаид Миршакарнинг ана шу дўстлик тўғрисидаги, жонажон ўлка йил сайин яшариши учун ўз меҳнати билан ҳисса қўшиш бахти тўғрисидаги шеърий сатрлари янгради. Тожикистон халқ шоири адабий кечада тожик ва ўзбек ёзувчилари, шоирлари, драматурглари биргаликда яратган поэмага гўё муқадима битгандек бўлди. Эндигина кичик тўпламлари нашр этилган шоирлар ва танланган асарлари чоп этилган адиблар ана шу достонга ўз фикр-туйғулари, ўз илҳомлари билан ҳисса қўшдилар. Тожик ва ўзбек адиблари ўзларининг энг яхши асарларини ҳар иккала республика далаларига обиҳаёт олиб келган Катта Фарғона канали, Ўзбекистон ва Тожикистонда қўриқ ерларни ўзлаштиришга хизмат қилган Фарҳод ГЭСи ва Қайроққум ГЭСи каби ажойиб улкан қурилишларга бағишламоқдалар. Тожикистон халқ ёзувчиси Жалол Икромий, Лойиқ Шерали, Фотеҳ Ниёзий, Гулруҳсор Сафиева, Озод Аминова, Фазлиддин Муҳамадиев пахтакорлар, Норак ГЭСи қурувчилари, янги ерларни ўзлаштирувчилар тўғрисида — замондошимиз ҳақида, жонажон диёр тўғрисида гапириб ўз шеърларини ўқиб бердилар. Кечада ўзбек шоирлари Эркин Воҳидов, Ойдин Ҳожиева, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин ва Асқад Мухтор сўзга чиқдилар. Уларнинг нутқларида севимли Ватанга, жонажон диёрга меҳр-муҳаббат сўзлари янгради. Мирзо Турсунзода ана шу меҳр-муҳаббат тўғрисида фарзандлик меҳри билан шундай деб ёзган эди: «Мен бу ерда, худди шу диёрда инсон кўкларга кўтарилганлигини, инсон улуғланганлигини биринчи бор ҳис этдим».

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг секретариати Мирзо Турсунзода туғилган куннинг 80 йиллигини кенг нишонлашга қарор қилганлиги тўғрисидаги хабарни адабий кеча қатнашчилари қарсаклар билан кутиб олдилар.

Дўстлик байрамининг адабий қисми тантанали очилишида Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. Б. Бобосодиқова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

МОНГОЛИЯЛИК ДЎСТЛАР МЕҲМОНИМИЗ

Монголия Халқ Республикаси Эрдэнэт шаҳри делегацияси 6 кун давомида Олмалиқда меҳмон бўлди. Делегацияга шаҳар Халқ Хурали ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Цагаани Доржгот бошчилик қилди. Делегация аъзолари Олмалиқ кон-металлургия комбинати иш тажрибасини ўргандилар, мис бойитиш фабрикаси ва Калмоққир конида ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, партия ташкилотининг ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш бўйича фаолияти, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари билан танишдилар.

Делегация аъзоларини Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов қабул қилди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ГРУЗИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

(Боши 1-бетда).

Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва Грузия Компартияси ташкил этилганлигининг олтмиш йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун КПСС ва Совет давлатининг бошлиғи бугун бу ерга келди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга келди.

Самолёт зинапояси олдида Леонид Ильич Брежневни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Г. Гилашвили, республика Министрлар Советининг Раиси З. А. Патаридзе, Грузия ССРнинг бошқа раҳбарлари зўр шод-хуррамлик билан табрикладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневни юбилей тантаналарига келган Москва, Ленинград, Иттифоқдош республикалар делегацияларининг бошлиқлари: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. В. Гришин, Д. А. Кунаев, В. В. Щербицкий, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар Г. А. Алиев, Т. Я. Киселев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари П. П. Гришкявичус, А. Э. Восс, Т. У. Усубалиев, Ж. Расулов, К. С. Демирчян, Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. П. Калин, Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Б. Езқулиев, Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Г. Кэбин, КПСС Ленинград область комитетининг иккинчи секретари Н. Я. Суслов кутиб олдилар.

Аэродромда Абхазия, Ажария ва Жанубий Осетия область партия комитетларининг биринчи секретарлари Б. В. Адлейба, В. Р. Папунидзе ва Ф. С. Санакоев, Грузия ССР билан чегарадош Автоном республикалар область партия комитетларининг биринчи секретарлари: Доғистондан — М.-С. И. Умаханов, Шимолий Осетиядан — Б. Е., Кабалоев, Чечен-Ингушиядан — А. В. Власов, Кабарда-Балкария АССР Министрлар Советининг Раиси К. С. Кушхов; КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари С. Ф. Медунов, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари В. С. Мураховский бор эдилар.

Пионерлар учирган юзлаб кабутарлар аэропорт узра кўкка парвоз қилади. Ёш ўринбосарлар бутун дунёда тинчлик учун толмас курашчи — Леонид Ильич Брежневни шундай табрикладилар.

Л. И. Брежнев, Э. А. Шеварднадзе ўртоқлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Фахрий қоровул бошлиғи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раисига рапорт берди.

СССР ва Грузия ССРнинг давлат гимнлари ижро этилди.

Грузинларнинг қадимий олатига кўра фахрий меҳмонни Тбилисининг энг ҳурматли ва кекса граждандалари кутиб олдилар. Республика давлат хори грузин халқ табрик қўшиғини ижро этди.

СССР халқ артисти В. Анжапаридзе Леонид Ильич Брежневга мурожаат қилди.

Биз, — деди у, — Грузия ССР диёрида Сизни халқимиз номидан сидқидилдан табриклашдек буюк шарафга муяссар бўлдик. Грузия Сизни бундан ўн йил муқаддам бўлгани каби зўр меҳр-муҳаббат, шод-хуррамлик билан кутиб олмоқда.

Азиз Леонид Ильич, республика учун қилаётган ҳамма ишларингиз, бутун грузин халқини хушнуд этиб тантаналаримизга келиш имкониятини топганлигингиз учун раҳмат.

Л. И. Брежневга Тбилиси шаҳри фахрий гражданининг эсдалик нишони топширилди. Ўқувчилар унга ва бошқа меҳмонларга гуллар тақдим этишди.

Ўртоқ Брежневнинг Кичик ерликлар билан учрашуви завқли бўлди, улар ўзларининг фронтдаги сиёсий комиссарини самимий табриклаб турдилар. Гарчи бу дақиқалар қисқа бўлса ҳам, улар биргаликда босиб ўтилган алангали йўллар тўғрисида Кичик ерликларнинг ҳар бири қалбига азиз бўлган кўпгина хотираларни эсга солди.

Леонид Ильич Брежнев, бошқа ўртоқлар автомашиналарга тушиб шаҳарга йўл оладилар. Шу кун гўё пойтахтнинг ҳамма аҳолиси байроқлар, ранг-баранг паннолар, «Партиянинг кучи — халқ билан биргаликда, халқнинг кучи — партия билан бирликдадир!», «КПСС XXVI съезди қарорларини бажарамиз!», «Оға-ини бир бўлса кучлидир!», «Коммунизм бинокори, тинчлик учун изчил курашчи — совет халқига шон-шарафлар!» шиорлари билан безатилган кўчалар ва проспектларга чиққандек эди. Тбилисиликлар орзиқиб кутилган азиз меҳмонни қизғин, грузинларга хос шод-хуррамлик билан табрикладилар.

ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Грузиянинг республика матбуоти КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзенинг «Грузияда Совет ҳокимияти ғалабасининг ва Грузия коммунистик партияси ташкил этилганлигининг олтмиш йиллиги» мавзуидаги докладини эълон қилди. Докладда қуйидагилар айтилади:

Совет Грузияси ва унинг Коммунистик партияси бунёдга келган кун совет кишилари учун умумхалқ байрами бўлиб қолди: бизнинг тантанамиз — улуғ ва қудратли бутун Совет социалистик республикалари иттифоқининг, биз ажралмас таркибий қисми бўлган совет халқлари бутун аҳил ва ягона оиласининг тантанасидир.

Юз йиллар ўтар, аммо 1921 йилнинг тарихий 25 февраль куни тўғрисидаги хотира авайлаб авлоддан-авлодга ўтиб келади. Ўша тарихий кунда Грузия узра Совет ҳокимиятининг қизил байроғи ҳилпирай бошлади. Ленин байроғига астойдил содиқлик, партиянинг ленинча миллий сиёсати, совет халқларининг дўстлиги ва қардошлиги Грузиянинг чинакам равнақ топишига олиб келди.

Совет Грузияси, деб таъкидланади докладда, ўзининг бу галги юбилейини КПСС XXVI съезди ишлаган кунларда кутиб олди. Бугунги кунда бутун республикада съезднинг тарихий қарорларини рўёбга чиқариш соҳасида бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Совет Грузиясида ҳам олтмиш йил мобайнида социалистик турмуш тарзи мустаҳкам қарор топди. Грузия коммунистлари янги, коммунистик формацияга мансуб кишини тарбиялар эканлар, Ленин ва Улуғ Октябрь Социалистик революцияси ишининг атоқли давомчиси, халқлар ленинча дўстлигининг толмас курашчиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партиямиз жанговар штабининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг баҳодирона фаолиятидан куч-қувват ва маънавий намуна олмоқдалар. Кейинги ўн йил ичида Л. И. Брежневнинг ташаббуси билан республикамизга, Грузия партия ташкилотига доир қабул қилинган муҳим партиявий ҳужжатлар Грузия тўғрисида ғамхўрлик ленинча анъанасини давом эттиради, республика коммунистларига янги-янги куч бағишлайди, коммунизм сари ягона умумхалқ ҳаракатида меҳнаткашларни Ленин партияси теварагига яна ҳам маҳкамроқ жипслаштиради.

«Грузияда ишлар юришиб кетди, — деди Леонид Ильич Брежнев, — Грузия Компартияси ўн биринчи беш йилликда ўзини янги зафарларга чоғлаётганлиги жула создир».

Сўнгра докладда Грузия Коммунистик партиясининг ташкил топиши ва мустаҳкамланиши, республикада совет ҳокимиятининг қарор топишига доир босқичлар батафсил ёритилган.

Революцион ўзгартириш, Совет Грузиясини ташкил этиш ва ривожлантириш учун олиб борилган бутун кураш тарихи В. И. Лениннинг номи ва фаолияти билан боғланганлиги таъкидланади.

Партия республикамизга бўлган ленинча эътибор ва ғамхўрлик анъанасини сақлаб қолди ва кўпайтирди. Ленинчи партиямиз Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси, ўртоқ Леонид Ильич Брежнев ҳар бир иттифоқдош республикани ривожлантириш тўғрисида ленинча меҳрибонлик қилиб, ленинча эътибор бераётганликлари бунинг яққол исботидир. Совет Грузиясининг меҳнаткашлари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг сидқидилдан йўллаган самимий мактубларини, равшан ва аниқ, пухта кўрсатмаларини В. И. Лениннинг Закавказье республикаларини, Совет Грузиясини ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлигининг амалда давом эттирилиши деб биладилар.

Шу боисдан ҳам Грузия меҳнаткашлари кўп миллатли мамлакатимизнинг барча халқлари каби жаҳон пролетариати йўлбошчисига самимий меҳр-муҳаббат ва ғоят чуқур муҳаббат туйғуларини изҳор этмоқдалар, шу боисдан ҳам Ленин партиясининг доно ташқи ва ички сиёсати бугунги кунда шу қадар қатъий қўллаб-қувватланмоқда, шу боисдан ҳам энг азиз меҳмон ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикага келиши ҳамиша интизорлик билан кутилади.

Сўнгра докладда Совет Грузияси ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши Советлар мамлакатининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабасига республиканинг қўшган ҳиссаси, СССРнинг шаҳарлари ва қишлоқларини қайта тиклашдаги иштироки кўрсатилган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети Совет Грузияси коммунистларининг ишлари ва юмушларига зўр эътибор беришдан иборат ленинча анъаналарга амал қилиб, вужудга келган аҳволга принципиал баҳо бердилар. 1972 йилнинг февралида ўртоқ Л. И. Брежневнинг шахсий ташаббусига биноан КПСС Марказий Комитети республика учун тарихий қарор — Тбилиси шаҳар партия комитетига доир қарорини қабул қилди. Бу қарор партиянинг КПСС Марказий Комитети 1964 йил октябрь Пленумида ишлаб чиқилган йўли изчиллигининг ёрқин ифодаси бўлиб қолди. Мазкур ҳужжат етмишинчи йилларни қамраб олган даврда республика партия ташкилоти ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг бош йўлини белгилаб берди.

Бу давр — совет Грузияси экономикасини ғоят юксалтириш даври бўлди.

Грузия Компартияси КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларидан келиб чиқиб, партия билан халққа XXVI съездда берган сўзига содиқ туриб, ҳозир коммунизм моддий техник базасини яратишни тезлатиш, коммунистик жамият ишлаб чиқарувчи кучларини шакллантиришга қаратилган катта ишларни авж олдириб юбормоқда.

Социал программани амалга оширишга, фан ва маданиятни ривожлантиришга катта эътибор берилган.

Грузия Компартияси, республика меҳнаткашлари миллий хислатларни умумсовет хислатлари билан тўғри қўшиб олиб бориш, халқларнинг маънавий ҳаётини ўзаро бойитиш, миллий давлатчиликни ривожлантириш, жамиятнинг демократик негизларини такомиллаштириш йўлини амалга ошира бориб, миллатларнинг равнақ топиши ва бир-бирига яқинлашиши объектив жараённинг табиий давом этишига ёрдам бермоқдалар, мамлакатнинг барча халқлари ўртасида қардошлик ва дўстликни янада кўпроқ мустаҳкамламоқдалар.

Грузия халқи инсоният тарихида мисли кўрилмаган беғараз ёрдам ва маданий дўстлиги учун улуғ рус халқидан ғоят миннатдордир, дейилади докладда.

Ҳа, интернационализм — бизнинг эътиқодимиз, байроғимиз, турмуш тарзимиздир. Айни пайтда биз ватанпарварлармиз. Бунда ҳеч бир зиддият йўқ, зеро ҳар бир кишининг фаровонлиги барчанинг фаровонлигига айланадиган жамиятда ватанпарварлик билан интернационализмни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Грузия Компартиясининг тарихи, дейилади докладда, КПСС Марказий Комитети ва Совет Ҳукумати 70-йиллардагидек зўр ғамхўрлик ва диққат-эътибор билан қараган бошқа бир даврни билмайди, ўшанда Грузияга доир бир қанча фундаментал қарорлар қабул қилингандир.

Грузия меҳнаткашлари мана шу ҳамма қарорлар замирида партиямиз ва Совет давлатининг бошлиғи ўртоқ Л. И. Брежнев қилаётган улкан ишларни кўрадилар. Унинг собитқадамлиги, беҳад оптимизми ва реалистлиги, кенг кўламлилиги ва синфий принципиаллиги, инсонпарварлиги ва ғоятда ҳаққонийлиги унга коммунистик бунёдкорликнинг буюк ташкилотчиси деган мустаҳкам обрў-эътибор бердики, советлар мамлакатининг 17 миллион кишидан иборат коммунистлари, бутун 260 миллион совет халқи унинг кетидан дадил бормоқда.

Грузия Компартияси — КПССнинг жанговар отрядидир. 1921 йилда Грузия коммунистлари тўққиз минг нафардан сал кўпроқ эди — бугунги кунда эса улар уч юз эллик минг кишидан ошади. Бугунги кунда Грузия Компартияси республика бутун ижтимоий-сиёсий системасининг ўзагидир.

Республиканинг порлоқ юбилейи кунида Совет Грузияси ва Компартиясининг тарихида еттинчи ўн йиллик социал ва иқтисодий тараққиёт янги марраларига эришишда катта тарихий қадам, буюк Ватанимиз — Совет Социалистик республикалари Иттифоқининг янада равнақ топишига қўшилган ҳисса бўлиб қолади, деб партиямиз Ленинчи Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сиёсий бюросига, Леонид Ильич Брежневга, бутун совет халқига ваъда берамиз.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ МАРШРУТЛАРИ

Ўзбекистон ССРда Тожикистон адабиёти ва санъати кунлари байрамининг қатнашчилари совет халқлари бузилмас қардошлиги машъалини бутун республика бўйлаб кўтариб ўтадилар. Тоғли ўлкадан келган меҳмонлар — Тожикистон маданияти арбоблари 21 май куни бешта маршрут бўйлаб сафарга жўнаб кетдилар.

Тошкент области меҳнаткашлари билан учрашувлар область партия комитетидаги суҳбат билан бошланди. Область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов тожикистонлик дўстларни металлурглар, деҳқонлар, чорвадорлар ва илмий ходимларнинг ишлари ҳамда юмушлари билан таништирди. Уларнинг бутун куч ва ғайрати КПСС XXVI съезди режаларини муваффақиятли амалга оширишга қаратилгандир. Меҳмонлар Янгийўлда бўлиб, кондитер-хамиртуруш бирлашмасини бориб кўрдилар, шаҳар муассасаларида бўлдилар. Улар Янгийўл районидаги В. И. Ленин номли колхоз ҳаёти билан ҳам танишдилар. Бу ердаги дала шийпонларидан бирида қардош республикадан келган саҳна усталари концерт қўйиб бердилар.

Совет композиторларининг куй ва қўшиқлари халқлар дўстлигини, деҳқонлар меҳнатини шарафловчи ягона қўшиқ бўлиб янгради. Концертда Тожикистон ССР халқ артисти Ж. Набиев, С. Айний номли Тожикистон Давлат академик опера ва балет театрининг солисти З. Аминова, Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Азаматов ва бошқа санъат усталари қатнашдилар.

Колхоздаги учрашув адабиёт ва санъат кунларига бағишланган тантанали кеча билан тугади.

Бухорода бўлиб ўтган тантанали кечада тожикистонлик шоирлар А. Ҳакимов ва О. Аминовалар ушбу байрам таассуроти билан ёзилган ўзларининг янги шеърларини ўқиб бердилар. Советлар мамлакати халқлари буюк қардошлигини, тинч бунёдкор меҳнатини шарафловчи илҳомбахш сатрлар рус, тожик ва ўзбек тилларида янгради. Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов кечада сўзга чиқиб, қўшни республика адабиёти ва санъати кунлари халқларимиз миллий маданиятларини бундан буён ҳам ўзаро бойитишга хизмат қилади, деди.

Ўзбекистон ССРда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари давом этмоқда. Олдинда дўстларнинг янги-янги суҳбатлари, концертлари, дўстлик кечалари кутмоқда.

Қардош республика вакилларининг Ўзбекистон меҳнаткашлари билан учрашувларида Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. Б. Бобосодиқова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ю. Юсуфбеков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, М. Т. Турсунов иштирок этмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ

АҲОЛИ ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Илгари хабар қилинганидек, 19 майда область аҳоли турмуш маданиятини ошириш Советининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Совет раиси — Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов олиб борди.

Совет область шаҳар ва районларида турар-жой ва социал-маданий объектлар қурилиши планининг бажарилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Совет аъзолари область ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. И. Маляхин, «Ташоблколхозстрой» бошлиғи Ғ. Х. Жалилов, 23-қурилиш трестининг бошқарувчиси А. В. Ройтманнинг ахборотларини тинглаб, муҳокама қилдилар.

Муҳокамада меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш ва энг аввало аҳоли турар-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисидаги ғамхўрлик партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг диққат марказида турганлиги таъкидланди.

1981 йилнинг тўрт ойи мобайнида 46 минг квадрат метрдан зиёд майдондаги турар-жой бинолари, 420 ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, қатор социал ва маданий-маиший объектлар қуриб фойдаланишга топширилди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан турар-жой биноларини фойдаланишга топшириш суръатлари 105 процентга ўсди, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қуриш суръатлари 4,6 марта кўпайди.

Айни пайтда турар-жой ва социал-маданий объектлар қурилишининг умумий бориши талаб даражасида эмас. Турар-жойларни фойдаланишга топшириш ярим йиллик плани атиги 41 процент, мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини қуриб ишга тушириш ярим йиллик плани эса 61 процент бажарилди.

Чиноз, Бекобод, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Янгийўл, Ғалаба ва Паркент районларида, Чиноз шаҳрида турар-жойларни фойдаланишга топшириш бироз кечикмоқда.

Мактаблар ва мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қурилишида капитал маблағларни ўзлаштириш плани йиллик лимитга нисбатан 10 ва 21 процент бажарилди.

Мактаблар қурилиши Бўстонлиқ, Калинин районларида, шунингдек Паркент ва Пискент районларида айниқса қониқарсиз олиб борилмоқда.

Турар-жой ва социал-маданий ҳамда маиший объектлар қурилиши сифати пастлигича қолмоқда. Йил бошидан буён фойдаланишга топширилган объектларнинг бор-йўғи 65 процентигина «яхши» ва «аъло» баҳоларда қабул қилиб олинди.

Область аҳоли турмуш маданиятини ошириш Совети шаҳар, район партия комитетларига, шаҳар ва район ижроия комитетларига бир ҳафталик муддат ичида ярим йиллик планни бажаришни таъминлайдиган, сўнгра турар-жой қурилиши билан биргаликда маданий ва маиший муассасалар объектларини қуриш бўйича кейинги ой планларини ишлаб чиқишни ва оғишмай амалга оширишни; бунда қурилиш сифатини оширишга алоҳида эътибор беришни;

уйсозлик комбинатлари қурилиши ва мавжудларини реконструкция қилиш устидан доимий назорат ўрнатишни, йирик панелли уйсозлик қувватларидан тўла фойдаланишга эришишни;

қурувчиларга ҳар бир ишга тушириладиган объектни зарур миқдорда ишчи кучи ва моддий-техника ресурслари билан таъминлашда, қурилишларда юксак унумли меҳнат учун зарур шароитларни яратишда кундалик ёрдам кўрсатишни тавсия қилди.

Совет буюртмачи ташкилотларга ишга тушириладиган объектларни асбоб-ускуналар, қурилиш ва махсус материаллар билан таъминлаш учун амалий чоралар кўришни, қурилиш-монтаж трестларига эса бинокорлик ишлаб чиқаришини ташкил этишни яхшилашни, машина ва механизмлардан янада унумлироқ фойдаланишга эришишни, меҳнатнинг прогрессив форма ва методларини кенгроқ жорий этишни тавсия қилди.

— Шаҳар ва район аҳоли турмуш маданиятини ошириш советларига турар-жой ва социал ҳамда маданий объектлар қурилишининг борishi тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш, мазкур объектларини фойдаланишга топшириш ярим йиллик планлари сўзсиз бажарилиши юзасидан амалий чоралар кўриш таклиф қилинди.

Мажлисда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Б. У. Тошбеков ва Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи К. М. Қаҳҳорбековлар ахборот бердилар.

Область аҳоли турмуш маданиятини ошириш Совети болалар муассасалари ва туғруқхоналар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, оналар ва болаларга барча турдаги медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлигини қайд этди.

Ўрта Чирчиқ, Янгийўл районларида болалар касалхоналари, Янгийўлда, Пискент районидаги туғруқхоналар учун даволаш корпуслари қуриб ишга туширилди. Куйбишев, Киров, Фрунзе районларида ва Олмалиқда болалар стоматология поликлиникалари фойдаланишга топширилди.

Областимизда 5140 ўринли туғруқхона ва 8620 ўринли болалар касалхоналари мавжуд. 1617 педиатр ва 590 акушер-гинеколог медицина хизмати кўрсатмоқда. 105 та қўшимча педиатрлик участкалари ташкил этилган.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида кичкинтойларни сут маҳсулотлари билан таъминлаш ўн процентдан зиёдроққа, ошиб, Тошкент шаҳри бўйича 45, областимиз бўйича эса 40 процентни ташкил қилди.

Шу билан бирга оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишни ташкил этишда жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Айрим болалар медицина муассасаларида беморларга хизмат кўрсатиш ва уларни даволаш маданияти талабларга жавоб бермайди. Барча болалар ҳам профилактика кўриклари ва диспансер кузатишлари билан ўз вақтида қамраб олинмоқда деб айтиш қийин.

Аҳоли турмуш маданиятини ошириш Совети шаҳар, район партия комитетларига, шаҳар ва район ижроия комитетларига оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига эътиборни кучайтиришни, соғлиқни сақлаш объектлари қурилиши ва уларни фойдаланишга топширишни жиддий назорат остига олишни тавсия этди.

Область соғлиқни сақлаш бўлимига, Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармасига марказий район касалхоналари ҳузуридаги болалар ва туғруқхона бўлимларини йириклаштиришни давом эттириш, аёлларга ва болаларга медицина хизмати кўрсатиш сифатини ҳамда уларга ихтисослашган ёрдам бериш ҳажмини ошириш топширилди. Бунда амбулатория-поликлиника хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш, идораларга қарашли медицина муассасаларида санитария-гигиена ва эпидемияга қарши режимга қатъий риоя қилинишини таъминлаш лозим.

Область совети ўз тавсияларида область савдо бошқармаси, область матлубот жамияти эътиборини мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва касалхоналарни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан тасдиқланган нормативларга мувофиқ тўла ассортиментда таъминлашни яхшилаш зарурлигига қаратди.

Қурилиш, савдо ва бошқа ташкилотларнинг таклиф этилган раҳбарлари навбатдаги мажлисда Совет тавсиялари қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ахборотлар тингланиши тўғрисида огоҳлантирилдилар.

СЪЕЗД ҒОЯЛАРИ — ОММАГА

МАСЪУЛЛИК ҲИССИ

Партия ўқуви ва иқтисодий таълимнинг бу йилги машғулотлари якунловчи босқичга кирмоқда. Ҳозирги кунда КПСС XXVI съезди ҳужжатларини ўрганиш, съезд қарорларини амалга оширишга бағишланган мавзулар айниқса фаол ва зўр қизиқиш билан муҳокама қилинмоқда. КПССнинг халқаро ва иқтисодий сиёсати, совет жамиятининг социал-сиёсий ва маънавий тараққиёти билан боғлиқ вазифалар, партиянинг совет халқининг авангарди сифатидаги роли тингловчиларнинг диққат марказида турипти. Ангрен кўмир разрезида съезд материаллари юзасидан ўтказилган машғулотларнинг бири тўғрисида қуйидаги корреспонденцияда ҳикоя қилинади.

Қурама тоғининг тик ёнбағрида бир уйча бор. Унинг устида Советлар мамлакатининг ол байроғи ҳилпираб туради. Шахтерлардан бири ҳазил аралаш «асалари уяси» деб ном берган бу уйчага ҳар томондан йўлаклар келиб туташади. Ҳар бир смена олдидан бу ерда ишчиларга топшириқлар берилади. Кейин улар конларда ўзларини кутиб турган экскаваторлар, бульдозерлар, темир излардаги машиналар томон шошиладилар.

Кечқурунлари эса шу ерга жойлашган қизил бурчакда пропагандист Сотиболди Тошматов машғулотларни ўтказади.

...Ҳар вақтдагидек Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ангрен кўмир разрезининг иккита кон участкасидан 33 коммунист машғулотга тўпланди.

— Келинглар, шаҳримизнинг ўтмишига бироз саёҳат қилайлик,— таклиф қилди Тошматов. Шу кунларда бундай саёҳат айниқса жоиз. Уч ойдан сўнг Ангрен ўзининг 35 йиллигини нишонлайди. Урушдан кейинги дастлабки беш йилликларда бизни қувонтирган кўрсаткичларни олдимизда турган ишларга асло қиёслаб бўлмайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Шаҳар ташкил этилган 1946 йили унда 20 мингга яқин киши яшарди. Саноатнинг ялпи маҳсулот ҳажми 5 миллион сўмдан салгина ортиқ эди. Ўнинчи беш йиллик охирига келиб эса аҳоли 107 минг кишига етди. Шу муддатда кўмир қазиб олишдан ташқари шаҳримизда ишлаб чиқаришнинг энергетика, қурилиш, химия сингари тармоқлари вужудга келиб, юксалди... Бутун республика бизнинг гигантларимиз — кўмир разрези, «Узбекшахтострой» тресты, керамика комбинати, «Резинотехника» заводи, қудратли ГРЭС, бошқа корхоналаримиз билан фахрланади. Ангрен Ўзбекистоннинг на фақат йирик индустриал марказларидан бири, балки кадрлар ўчоғи ҳам бўлиб қолди.

— Жуда тўғри айтдингиз, — тингловчилардан бири шундай луқма ташлади-да, санай бошлади,— пединститут, политехника институтининг кечки бўлими, қурилиш, план-иқтисод, медицина ва жисмоний тарбия техникумлари, учта ҳунар-техника билим юрти...

Сиртдан қараганда булар ҳаммага маълум фактлар. Эҳтимол, пропагандист шаҳарнинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни гапириб ўтирмаслиги ҳам керакдир? Бироқ, бу маълумотлар йиғилганларнинг назарида келажакка интилган эстафетанинг дебочаси сифатида бугун айниқса жозибали жарангларди.

Такрорлаш муваффақият гарови, деб тўғри айтишади. Тошматовнинг тингловчилари ўз шаҳарларининг тарихи тўғрисида тасаввурга эга бўлсалар ҳам, пропагандистнинг ёркин ҳикояси уларни бугун ўзлари давом эттираётган ўша бунёдкорлик ишларининг муқаддимасига яна мурожаат этишга мажбур қилди.

— Ўйлаб кўрайлик-а,— деди экскаватор машинисти Махан Муратов бошини сарак-сарак қилиб.— Ҳали яқингинада бутун Чирчиқ воҳасида фақат биргина шаҳар — Тошкент шаҳри бўларди. Ҳозир-чи? Даставвал дарёнинг юқори оқимида химиклар шаҳри қурилгани ёдимизда. Ўзини ҳам шундай деб—Чирчиқ деб аташди.

— Кейин тош йўнувчиларнинг маркази — Ғазалкент пайдо бўлди,— суҳбатга бошқалар ҳам қўшилишди.— Ундан сўнг худди бизнинг Ангренга йўлдошдек тоғнинг мана шу ёнбағрида республика рангли металлургиясининг маркази — Олмалиқ, қурилиш материаллари шаҳри — Оҳангарон, Ўрта Осиё қора металлургиясининг маркази — Бекобод бирин-кетин қад кўтарди... Яна озиқ-овқат саноати шаҳри Янгийўл ҳам пайдо бўлди.

Тошматовнинг тингловчилари партия ва халқ иродаси билан қадимий Тошкент атрофида, тезоқар Чирчиқ дарёсининг ҳар икки қирғоғида қурилган 14 янги шаҳарнинг номини санаб чиқишди.

— Бутун бошли юлдузлар туркуми дейсиз,— деб қўйди пропагандист.— Ҳаётимизнинг ўсиш суръатлари шундайки, сиз, ўртоқлар, бир юлдузчага янглишдингиз. Ўйлаб кўринг-а. Ҳозир Ангренимизнинг яна бир йўлдоши — янги Нуробод шаҳри қад ростламоқда. Чиндан ҳам исми жисмига монанд, қуёш шаҳри бўлади бу. Албатта, ҳаммангизга бунинг сабаби тушунарли, у ерда оловни бўйсундирувчилар, қурувчилар ва Янги Ангрен ГРЭСининг бўлажак фойдаланувчилари яшашади, эътибор беринг: у Асосий йўналишларда номма-ном тилга олинган энг муҳим янги қурилишлар билан бир қаторда туради. Бу нурхона Ўрта Осиёда энг йирик электр станция бўлади. Ана шундай улкан нурхона учун ёқилғини қаердан олиш керак? Бу вазифа бизга, бизнинг кўмир разрезимизга юклатилган, ўртоқлар. Шундан келиб чиқадики, ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб биз кўмир қазиб олишни 7 миллион тоннагача кўпайтирмоғимиз даркор. Бу ўз навбатида электр қувватини ҳосил қилишни икки баравар кўпайтириш имконини беради.

— Бу ангренликларга нима беради?— деган савол эшитилди.

— Жуда кўп нарса,—жавоб берди Тошматов ва диаграммага юзланди.— Мана, қаранг-а, «Резинотехника» заводи ўзининг лойиҳа қувватига жадал кўтарилмоқда, у кенгайиб комбинатга айланади, истиқболда Ўзбекистон нефть химия саноатининг улкан корхонаси бўлиб қолади. Ўз навбатида бизнинг кўмир разрезимиз ҳам реконструкция қилинади. Бунинг устига керамика комбинати кенгаяди. У ерда керамика плиталари ишлаб чиқарувчи цех қурилади. Эски Ангрен ГРЭСи ҳам бутунлай янгиланади.

Бунга кичик корхоналар деб аталувчи янги нон заводи, савдо, медицина, маиший хизмат, уй-жой қурилишини, Ангренда троллейбус линияси барпо этилишини қўшсак... Буларнинг ҳаммаси биз ангренликлар учун яхшироқ яшашимиз ва меҳнат қилишимиз учун-да, ахир.

— Инсон ҳақида ғамхўрлик ҳамиша партиянинг асосий ташвиши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади,— ушбу фикрни ривожлантиришда давом этди Тошматов. — Эслаб кўринг, ўнинчи беш йилликда шаҳримизда 268 минг квадрат метр уй-жой майдони фойдаланишга топширилди. Уч ярим минг оила ҳовли тўйи ўтказди. Ўн биринчи беш йилликда бу кўрсаткич сезиларли ўсди. Ҳозирдаёқ 6 минг кишига мўлжалланган уй-жой кварталини қуриш бошлаб юборилди. Соғлиқни сақлаш-чи! 1985 йилга бориб Ангрен касалхоналаридаги ўринлар сони 2100 тага етади. Иккита янги дорихона қурилади. Болаларнинг типовой касалхонаси, 700 ўринли марказий поликлиника қурилиши тугалланади. Учта янги мактаб ўз эшикларини очади. Тоғ ёнбағирларида уч минг ўринли пионер лагерлари қурилади. Иккита парк барпо этилади, иккита оммавий кутубхона, иккита кинотеатр, саккизта магазин қуриб битказилади...

— Ангренимиз ана шундай шаҳарга айланиши керак,— деди пропагандист.— Ана шу марраларни яқинлаштириш, белгиланган нарсаларнинг амалга ошиш йўлини тезлаштириш — ҳозирги энг муҳим масаладир. Бунинг учун ҳамма нарсани бажаряпмизми? КПСС Марказий Комитетининг партия съездига Ҳисобот докладида: «Экономика тежамли бўлиши керак»,— дейилган. Ана шу формулани аниқ ишларимиз ва вазифаларимиз тили билан бир ифодалаб кўрайлик...

Шу тариқа коллективнинг резервлари, камчиликлари ва нуқсонлари хусусида жиддий баҳс бошланди. Афсуски, улар ҳам ҳали оз эмасди. Тошматов яна ён дафтарига мурожаат қилди: «Мана, бу рақамлар мағзини чақиб кўринг: меҳнат интизомининг бузилиши, хилма-хил бекор туришлар туфайли шаҳар саноат корхоналари ва қурилишларда сўнгги икки йилдагина 23,3 минг киши—куни йўқотилди. Бу факт биз, коммунистларнинг ҳар биримизни жиддий ўйга толдирмайдими?»

— Бу бутун шаҳар миқёсидаги рақамлар,— деган овоз эшитилди.— Бизнинг разрезимиз бўлса илғор, бутун республикага таниқли.

— Баҳслашмайман, гапингиз тўғри,— дарҳол жавоб берди пропагандист.— 1980 йил якунлари бўйича разрезимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланганлиги ҳаммамизни фахрлантиради. Шунга қарамай бу ҳамма ерда ва ҳамма ишда биз бенуқсонмиз деган маънони асло билдирмайди. Чунончи, ўтган йили 19 экскаватор бригадасида техниканинг бекор туриши деярли 55 минг соатни ёки календарь вақтнинг 17 процентдан кўпроғини ташкил этди. Буни рисоладаги аҳвол деб бўладими?

— Бу нарсалар юзада, ҳамманинг кўз ўнгидаги нарса,— суҳбатга қўшилди участка бошлиғи Вениамин Поспелов.— биз бўлсак чуқурроқ назар ташлашимиз лозим. Чунончи, биз мана шу қўлларимиз билан кун сайин юзлаб тонна қимматли хом ашё — каолинни ташландиқ нарсаларга қўшиб юборамиз. Бунга чидаш мумкинми? Ахир замин саховати чексиз эмас-ку?! Улар тамом бўладиган вақт ҳам келади. Ўшанда нима қиламиз? Шу ташландиқ тошларни каолин излаб яна ағдар-тўнтар қиламизми?

— Жуда тўғри, Вениамин Петрович,— қўшилди пропагандист.— Бу ҳам бизнинг биринчи даражали партиявий ташвишимиздир. Ўйлаб кўринг, ўртоқлар, таклифларингизни киритинг, ахир бизнинг ўзимиз хўжайинлармиз. Буларни биздан бошқа ҳеч ким ўйлаб кўрмайди. Мен ҳозир тилга олган ишлаб чиқариш резервлари ҳам, чиқитлар орасида ғойиб бўлаётган ер ости бойликлари ҳам — ҳамма-ҳаммаси бизнинг хазинамиз, халқимиз тасарруфидаги бойликлардир. Сиз билан биз улардан қандай фойдаланяпмиз? Тежаб-тергаб фойдаланяпмизми, ёки сочиб-совураётирмизми— сиз билан биз ана шунинг учун масъулмиз. Ўз олдимизда ҳам, авлодларимиз олдида ҳам масъулмиз.

...Машғулотлардан кейин водийга тушишар экан, мактаб тингловчилари узоқ вақт ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, баҳслашиб, съезддан кейинги планлар ва ишларини муҳокама қилиб боришди. Улар билан бирга бораётиб пропагандист ҳақида айтилган кўпгина илиқ сўзларни эшитдим. Тингловчилар мастер Тошматов сменаси планни бажармай қолган бирор кун бўлмаганлигини гапиришди. Ўтган йили улар планга қўшимча 44 минг кубометр тоғ жинсини ишлашди. Бу 112 процент деган сўз.

...Қурама тоғлари ёнбағрида бир уйча бор. У катта йўллардан четда. Бироқ бу уй кўм-кўк барг ёзган, дарахтзорлар ва тоғ жинслари уюмлари орасида қолиб кетмаган. Унинг эшиклари Советлар мамлакати барча меҳнаткашлари билан бир сафда қадам ташлаётган, унинг ишлари ва ташвишлари билан яшаётган тиниб-тинчимас кишилар — Қурама кўмир қазувчилари учун эрта тонгдан оқшомгача кенг очиқ.

И. МУҚИМОВ,
(«Правда» мухбири)
Тошкент область.
Ангрен шаҳри.
(«Правда» 18 май).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пилла топшириш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар область Ҳурмат тахтасига ёзиладилар.

КАЛИНИН РАЙОНИДАН

«Москва» колхози (раиси Қ. Абдуллаев, партия ташкилоти секретари Қ. Ҳикматов, касаба союз комитети раиси Р. Қаюмов, комсомол комитети секретари Н. Дўстканаева, пиллачилик агротехниги М. Одилова).

«Партия XX съезди» колхози (раиси Қ. Умаров, партия ташкилоти секретари Я. Камолов, касаба союз комитети раиси А. Турсунов, комсомол комитети секретари Н. Исроилов, пиллачилик агротехниги Р. Каримов).

Свердлов номли совхоз (директори Р. Усмонов, партия ташкилоти секретари З. Раҳимов, ишчилар комитети раиси А. Масланов, комсомол комитети секретари М. Йўлдошева, пиллачилик агротехниги Т. Нурматов).

БЕКОБОД РАЙОНИДАН

«Далварзин» совхози (директори И. Ортиқов, партия ташкилоти секретари А. Хожимирзаев, ишчилар комитети раиси Ж. Мирзараҳимов, комсомол комитети секретари А. Азимов, пиллачилик агротехниги Н. Кимсанбоев).

Ойбек номли совхоз (директори С. Жўраев, партия ташкилоти секретари Ш. Уташев, ишчилар комитети раиси К. Қамбаров, комсомол комитети секретари О. Ҳамроев, пиллачилик агротехниги Х. Бойназаров).

Мавлонов номли совхоз (директори Й. Аҳмедов, партия ташкилоти секретари А. Мусаев, ишчилар комитети раиси А. Давлатов, комсомол комитети секретари Х. Ҳасанов, пиллачилик агротехниги Э. Маматов).

«КПСС XXV съезди» совхози (директори Қ. Қозоқбоев, партия ташкилоти секретари Ю. Шукуралиев, ишчилар комитети раиси Ф. Ҳамроқулов, комсомол комитети секретари М. Қосимов, пиллачилик агротехниги Р. Мирзақулов).

Тошкент тўқимачилик комбинати 2-фабрикасининг илғор тўқувчиси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Каромат Ёқубова корхона кўп станокчиларидан ҳисобланади. У бир йўла 40 та машинага хизмат кўрсатиб, ҳозирнинг ўзида 1982 йилнинг октябрь ойи ҳисобига маҳсулот топширяпти. Суратда: К. Ёқубова.

А. Тўраев фотолари.

Қурбоной Алимова Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг моҳир пиллачисидир. У ўнинчи беш йиллик даврида қабул пунктларига 2020 килограмм пилла етказиб берди. Бу йил пиллачи 50 грамм ипак қурти парвариш қилди. Фидокорона меҳнат, юксак маҳорат ўз самарасини кўрсатди. Қ. Алимова 432 килограмм «кумуш тола» етиштириб, юксак социалистик мажбуриятни шараф билан адо этди.

П. Эргашев фотоси.

ПИЛЛА—ДАВЛАТГА

ИККИ РАЙОН РАПОРТИ

Съездлар йилида фидокорона меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг илк муваффақиятлари ҳақида хушхабарлар келиб турипти. Умумхалқ социалистик мусобақасида актив қатнашаётган Калинин район пиллачилари бу йил ҳам яхши натижаларга эришдилар. Улар 20 май куни пилла етиштириш ва давлатга сотиш бўйича халқ хўжалик планини муваффақиятли бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Район пиллакорлари давлатга пландаги 128 тонна ўрнига 130 тоннадан ортиқ «кумуш тола» етказиб бердилар ва планни 102 процент қилиб бажардилар.

Бу муваффақиятга «Партия XXI съезди», «Қорасув», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», «Назарбек», Свердлов номли совхозлар, «Москва», Оржоникидзе номли, «Партия XX съезди», Куйбишев номли, Калинин номли колхозлар, айниқса, салмоқли ҳисса қўшдилар.

Район пиллакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна қўшимча 20 тонна пилла сотиш мажбуриятини олдилар. Ана шунда ҳар қути қурт уруғидан олинадиган пилла 80 килограммга етади.

* * *

Бекободлик пиллакорлар ҳам областда биринчилар қатори ғалаба рапортига имзо чекдилар. Уларнинг ҳозиргача тайёрлаган пиллалари 182 тоннадан ортиб кетди ва план 103 процент адо этилди.

Ойбек номли, «Далварзин», «Партия XXV съезди», А. Мавлонов номли совхозлар, «Победа», «Коммунизм», Дзержинский номли колхозларнинг пиллакорлари ҳар қути қурт уруғидан 75—80 килограммдан пилла олиб, мавсумни юқори кўрсаткичлар билан якунламоқдалар. Вақтдан унумли фойдаланиб, ишни пухта ташкил этган пиллакорлар айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. О. Қурбонова, С. Кенжаева, А. Нишонов, О. Назирова сингари пиллачилар ҳар қути қурт уруғидан 115—120 килограммдан пилла топширдилар.

Районда пилла тайёрлаш қизғин давом этмоқда. «Кумуш тола» ижодкорлари пилланинг ялпи ҳосилини 205 тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети гўшт, сут, тухум, бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича 1981 йилги тадбирларни муддатидан илгари бажариш юзасидан районлар, совхоз ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг шу йил тўрт ойлик якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Бўка районига (район партия комитетининг секретари Т. И. Исломов, район ижроия комитетининг раиси А. М. Мўминов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи К. Содиқов, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси О. Шукуров, район комсомол комитетининг секретари Ш. Муҳаммаджонов ўртоқлар). Бу районда давлатга гўшт сотиш топшириғи 119,5 процент, сут сотиш — 104,8 процент, тухум сотиш — 110,6 процент бажарилган ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда, қорамол ва паррандалар бош сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда энг юқори ўсишга эришилган.

Байроқ Тошкент районидан олиб берилади.

Ғалаба районидаги Ўрта Чирчиқ бўрдоқичилик пунктига (директори С. Шапенов, партия ташкилотининг секретари П. Тошимбетов, ишчилар комитетининг раиси А. Шокиров ўртоқлар). Бу пунктда давлатга гўшт сотиш ярим йиллик ҳажми 114,3 процент бажарилган, бу соҳада 1980 йилнинг шу даврига нисбатан 166 процент ўсишга эришилган ҳамда ҳар бош қорамол бир кеча-кундузда пландаги 600 грамм ўрнига 848 граммга семиртирилган.

Байроқ Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоздан олиб берилади.

Бекобод районидаги Навоий номли колхозга (раиси А. Султонов, партия ташкилотининг секретари Э. Эргашев, касаба союз ташкилотининг раиси И. Қурбонов, комсомол комитетининг секретари Х. Омонлиқов ўртоқлар). Бу колхозда давлатга гўшт сотиш бўйича тўрт ойлик ҳажми 222 процент, сут —117,7 процент, тухум — 121,2 процент бажарилган ҳамда қорамол ва паррандалар бош сони кўпайтирилиб, уларнинг маҳсулдорлиги оширилган.

Байроқ Пискент районидаги Тельман номли колхоздан олиб берилади.

Чорвачиликни ривожлантириш тадбирларини бажариш ва давлатга гўшт, сут, тухум сотиш суръатларини ўстиришда **Калинин** ва **Тошкент районларида** юқори кўрсаткичларга эришилгани қайд этилди.

Область план бўлимига Бўка районига, Ғалаба районидаги Ўрта Чирчиқ бўрдоқичилик пунктига, Бекобод районидаги Навоий номли колхозга социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ЗАРБДОР ВАХТАДА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор бичиқчиси Флора Полтаева меҳнатда юқори натижаларга эришяпти. Моҳир чевар маҳсулот сифатини яхшилашда ҳам бошқаларга намуна бўлмоқда. У айни пайтда «Сифат аълочиси» деган шарафли ном олиш учун курашмоқда. Суратда: Ф. Полтаева.

БИРИНЧИ ЎРИМ ТУГАЛЛАНДИ

Ўзбекистон иккинчи миллион тонна дағал хашак жамғаришни ниҳоясига етказмоқда. Беданинг биринчи ўрими муваффақиятли тугалланди, ҳар гектар майдондан пичан ҳисобида 50 центнердан масса олинди. Сенаж бостириш плани 50 процент қилиб бажариб қўйилди. Ихтисослаштирилган бригада ва бўлимлар экилган ўтлардан иккинчи ҳосил олишга тайёргарлик кўрмоқдалар, дон ва силосга мўлжалланган маккажўхори, хашаки лавлаги ва қовоқ парваришини кучайтирмоқдалар.

Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари черкаслик чорвадорлар намунаси асосида ферма маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун мусобақага қўшилиб, юксак марраларни эгаллашни мўлжалламоқдалар. Озуқа тайёрловчилар ҳам ўз марраларини белгилаб олганлар. Улар 7.450 минг тонна дағал хашак, 4,3 миллион тонна силос, 215 минг тонна ўт уни тайёрлашлари керак. Бу бундан илгариги ҳамма йиллардагидан анча кўпдир.

Республиканинг кўпгина хўжаликлари эртаки озуқа экинларидан бўшаган майдонларда оралиқ экинлар етиштиришга қарор қилдилар. Кузги арпа, рапс, перко, тритикале бу йил 200 минг гектар суғориладиган майдонни эгаллайди.

Кеча Майяб Рассулов бошлиқ бригада бедазорларини ўрим-транспорт звеноси тарк этди. Бугун эрталабдан механизаторлар бедани минерал ўғитлар билан озиқлантирдилар, сувчилар эса тушдан сўнг бу ерларга сув тарай бошладилар. Бу ўримнинг сўнгги босқичидир. Бригада биринчи ўримда ҳар гектар майдондан пичан ҳисобида 65 центнердан ҳосил олди. Бу — ажойиб кўрсаткич!

М. Рассулов бошлиқ бригада Тошкент областидаги 1-«Пискент» совхози ем-хашак етиштириш бўлимига киради. Бу хўжаликда озуқа етиштиришга тармоқ хусусияти берилган. Тажриба бу усулнинг самарали эканлигини исботлади. Аввал беда ва маккажўхори совхознинг барча бўлим ва бригадаларида етиштирилар эди. Бироқ уларнинг асосий вазифаси пахтачилик бўлиб, бутун эътибор ана шунга қаратиларди. Озуқа экинлари парвариши ўлда-жўлда бўларди. 1-«Пискент» совхозида кўп йиллар давомида ем-хашак етиштириш бўйича кўрсаткичлар паст бўлганлиги тасодифан эмас. Ихтисослаштирилган бўлинмалар ташкил этилгандан сўнг аҳвол кескин ўзгарди. Уларга озуқа экинларига ажратилган ҳамма майдонлар, техника ва механизатор кадрлар берилди. Бўлимга 740 гектар майдондаги беда, 310 гектар ердаги маккажўхори бириктириб қўйилган. Озуқа етиштиришни ихтисослаштириш алмашлаб экиш ишларига халақит бермади. Озуқакорлар беда ва маккажўхори етиштиришнинг илғор усулларини қўллаб, ҳатто алмашлаб экиш самарадорлигини оширдилар.

Ихтисослашган бўлимга раҳбарлик қилиш агроном Сулаймонхўжа Нуралиевга топширилди. Хўжаликда беда ва силос учун маккажўхорини аралаштириб экишни йўлга қўйдилар. Бу ерда ана шундай 200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан икки ҳосил: 600 центнердан силос массаси ва 70 центнердан пичан олинади. Эски бедазорларда қоида бўйича одатда олти ўрим ўтказилади. Дон учун етиштириладиган маккажўхори майдонларида ҳам экинларни аралаштириб экиш қўлланилади. Бу майдонларда маккажўхори билан бирга хашаки лавлаги ҳам етилиб боради. Бу ерларнинг ҳар гектаридан камида 70 центнердан дон ва 500 центнердан илдизмева олинади. Баҳорда дон учун маккажўхори экиш мўлжалланган майдонларда кузги жавдар экиш ҳам синаб кўрилди. Бу ерларнинг ҳар гектаридан 250 центнердан кўк масса олинди. Совхоз интенсив агротехникани қўллаб, ўтган йили ем-хашак майдонларининг ҳар гектаридан 8500 озуқа бирлиги етиштирди. 250 центнер беда уруғи янчилиб, хўжалик ўзини уруғлик билан тўла таъминлади ва унинг анчагина қисмини давлатга сотади.

Бу йил ем-хашак бригадаси бир ҳафтада — бундан аввалги йиллардагидан анча тез беда ўримини тугаллади. Ҳозирнинг ўзида планда белгиланган 2800 тонна сенажнинг 2500 тоннаси бостириб қўйилди. Витаминли ўт уни тайёрлаш бўйича пункт икки сменада ишлаяпти. АВМ механиги Алижар Ясимов ёрдамчилари билан ғоят қимматли озуқа тайёрлашни икки баравар кўпайтириш —камида 7 минг тонна беда уни тайёрлашга қарор қилди. Совхоз далаларида эса беданинг иккинчи ҳосили, дон ва силос учун экилган маккажўхори етиляпти, тоғ ёнбағирларида табиий ўтлар пичанини тайёрлаш давом этяпти. Бу йил ҳар гектар экинзорлардан ўртача камида 9000 озуқа бирлиги олиш мўлжалланган. Озуқа майдонларидан шу даражада ҳосил олиш жамоат чорвачилиги эҳтиёжлари учун йиллик ва қисман ишчилар ёрдамчи хўжаликларига ҳам ем-хашак жамғариб қўйиш имконини беради.

Озуқа базаси мустаҳкамланиши билан чорва моллари маҳсулдорлиги ортяпти. Йил бошидан бери гўшт етиштириш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 процентга, сут — 10 процентга ортди. Чорвадорлар 720 бош сигирнинг ҳар биридан йиллик сут соғиб олишни 3800 килограммга, қорамолларнинг ўртача тирик вазнини 500 килограммга етказишга қарор қилдилар.

Пискент районининг бошқа хўжаликларида ҳам озуқа базасини мустаҳкамламоқдалар. Беданинг биринчи ҳосили тез ва, янада муҳими, энг яхши пайтда — ўсимликда энг кўп миқдорда озуқа моддалари тўпланадиган гуллаш олдидан ўриб олинди. Беданинг биринчи ўримидан ҳар гектар майдондан ўртача 60 центнердан қуруқ пичан олиниши ҳисобига сенаж бостириш бўйича йиллик план бажарилди.

— Озуқа сифатини,—деб тушунтиради район партия комитетининг биринчи секретари Учқун Баҳодиров,— қатъий назорат қиламиз. Сифатли озуқа олиш учун беданинг ҳар бир ўримини иложи борича тезроқ ўтказиш муҳимдир. Техника билан қуролланган, тажрибали механизаторлар билан комплектланган ихтисослаштирилган бригадалар бунга эришишга хизмат қилди. Бу йилги мавсумда уларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди. Озуқанинг юксак сифати ва ем-хашак тайёрлаш планларини ошириб бажариш учун қўшимча ҳақ тўлаш уларнинг маошини пахтакорлар меҳнатига тўланадиган ҳаққа яқинлаштирди.

Пискент — пахтачилик райони. Ўтган йили бу ерда биринчи бор ҳар гектар майдондан 36 центнердан хомашё олинди. Бу йил барча хўжаликлар ўтган йилги марралардан ўзиб кетишга қарор қилдилар, кўпгина бригада ва бўлимлар ҳар гектар майдондан 40—45 центнердан пахта етиштириш учун мусобақалашмоқдалар. Ем-хашак етиштириш бригадалари аъзолари эса ҳар гектар майдондан камида 200 центнердан беда пичани, 70 центнердан маккажўхори дони, 450—500 центнердан силос массаси тайёрлаш мажбуриятини олдилар. Озуқа базасининг мустаҳкамланиши гўшт етиштиришни 20, сут етиштиришни 17 процентга кўпайтириш имконини беради.

А. УЗИЛЕВСКИЙ,
(«Сельская жизнь» мухбири).

Ўзбекистон ССР.
(«Сельская жизнь» газетасидан).

ЎЗБЕКИСТОН ССРда
ТОЖИКИСТОН ССР
АДАБИЁТИ ВА
САНЪАТИ КУНЛАРИ

УЛУҒ ҚАРДОШЛИК МАДҲИЯСИ

СЎЗ— ТОЖИКИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАРГА

ДЎСТЛАР МЕҲРИ

Мўмин ҚАНОАТ,

СССР Давлат мукофоти лауреати, Тожикистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари

Дўстлар билан ҳар янги учрашиш, улар диёрини келиб кўриш ижодкор учун олам-олам таассурот келтиради. Мен Совет Шарқининг улкан даргоҳи, қуёшли ўзбек диёрининг муаззам пойтахти Тошкентда ҳар бор бўлганимда кўпгина ажойиб янгиликларни кўраман. Шаҳар ҳуснига янги чирой қўшилиб, унинг кўрки ҳар қандай кишининг қалбини мафтун этади.

Айниқса, бу улкан шаҳарнинг кўп миллионли кишиларининг ҳаёти, уларнинг меҳнат жасоратлари, қўлга киритаётган муваффақиятлари, меҳру-оқибатлари кишида катта таассурот қолдиради.

Тошкентда дунёга донғи кетган пахта териш машиналари ишлаб чиқарилади. Бизлар — ўзбеклар ҳам, тожиклар ҳам пахтакорлармиз, чўлларни ўзлаштириб, азим дарёларни жиловлаб, пахта майдонларини кенгайтириб, она-Ватанга қимматли «оқ олтин» ҳосилини етказиб бермоқдамиз. Бу сермеҳнат дурдоналарни парваришлаб етиштирадиган қўли гул пахтакорларимизнинг ишларини енгиллаштирувчи техникаларни тошкентлик азамат ишчилар яратмоқдалар. Бизнинг ана шу азамат корхона коллективлари, «оқ олтин» миришкорлари, шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари билан учрашувларимиз — янги режалар, янги асарлар учун илҳом манбаи бўлади деган умиддамиз.

ТУТАШ ҚАЛБЛАР КЎЗГУСИ

САМАРҚАНД шаҳрида Шарқнинг икки буюк мутафаккири — Навоий ва Жомий ҳайкали бор. Бу ёдгорлик сўз мулки султонлари ўртасидаги дўстона муносабатларга ишора бўлибгина қолмай, балки ўзбек ва тожик халқлари азалий дўстлигининг рамзий ифодаси ҳамдир. Халқимиз неча асрлардан бери бир-бирига синашта дўст, яқин маслаҳатчи, меҳрибон биродар бўлиб яшаб келмоқда. Бизнинг урфодатимиз, маданиятимиз деярли бир хил. Менимча, адабиёт ва санъатнинг турли соҳаларидаги ижодий ҳамкорлигимиз сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Маълумки, кўпгина тожик кино санъаткорларининг мухлисларга танилишида «Ўзбекфильм» киностудиясининг ҳам катта ҳиссаси бор. Жумладан, тожик режиссёри А. Раҳимов (кейинчалик «Аҳмад Дониш», «Зумрад» фильмларининг ижодкори) 1955 йилда В. Крепс сценарийси асосида биз В. Басон билан ишлаган «Амирликнинг емирилиши» картинасидаги бош ролларидан бири — Қурбонсаидов ролини ижро этиб, томошабинларга танилди. Режиссёр Марат Орипов эса В. Виткович ва С. Улуғзода сценарийси бўйича СССР халқ артисти Комил Ёрматов суратга олган «Абу Али ибн Сино» фильмида Ибн Сино ролини Уйғун, М. Шевердин ва С. Муҳамедов сценарийси асосида биз ишлаган «Ленин йўлланмаси билан» номли картинамизда Мирсаид ролини ижро этиб машҳур бўлди.

Тожикистон ССР халқ артисти Ҳошим Гадоев экрандаги ўзининг биринчи қадамини биз М. Шайхзода сценарийси асосида ишлаган «Улуғбек юлдузи» фильмидаги Абдуллатиф ролидан бошлади. Кейинчалик С. Нагорний сценарийси бўйича суратга олинган «Наташахоним» номли фильмимизда у Муллавачча ролини ўйнаган эди. Тожикистонлик актриса Майя Камолова ҳам «Улуғбек юлдузи» фильмидаги Хайриниссо ролини моҳирона ижро этди.

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист Сайрам Исаева «Ўзбекфильм» студиясида ўзбекистонлик актрисалар ҳам ҳавас қиладиган даражада кўпгина ролларда ўйнади.

Ўз навбатида ўзбек актёрлари ҳам «Тожикфильм»нинг кўпгина бадиий ленталарида суратга тушмоқдалар. Масалан, СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов А. Ёқубовнинг «Зумрад» фильмида, Ўзбекистон ССР халқ артисти Света Норбоева «Рустами достон», «Рустам ва Суҳроб» ленталарида, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ўлмас Алихўжаев СССР халқ артисти Борис Кимёгаровнинг кўпгина картиналарида ёрқин роллар ижро этдилар.

Ўзбек ва тожик кинематографчилари ҳамкорлигининг энг ёрқин намунаси, менимча, «Ганг узра тонг» фильми бўлди. Бу — етук бастакор Мухтор Ашрафий ва машҳур актёр Олим Хўжаевларнинг сўнгги иши эди. М. Турсунзода ва Д. Булгаков сценарийси асосида суратга олинган бу фильмдаги ролларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ҳамза Умаров, Турғун Азизов, Санъат Девоновлар ижро этган эдилар.

Тожикистон киносанъатида ёрқин из қолдирган санъаткорлардан бири СССР халқ артисти Борис Кимёгаров эди. Унинг фильмлари фақат тожик киносидагина эмас, балки кўп миллатли совет киносанъатида ҳам ажойиб саҳифа бўлиб қолди.

«Тожикфильм» студиясида сўнгги вақтда телефильмлар ишлаб чиқариш сифатига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Сўзимизнинг далили сифатида Тожикистон ССР Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. Аҳадовнинг «Трусковецкийга йўлланма» ва Д. Худойназаровнинг уч серияли «Ниссо» телекартиналарини санаб ўтиш мумкин.

Сўнгги беш йил ичида мен «Тожикфильм» студиясида «Шарқ афсонаси» фильмини суратга олдим. Бу асар ҳам ҳамкорликда яратилган десам хато қилмайман.

Бундан ташқари мен ёзган сценарий бўйича талантли режиссёр Л. Кимёгарова «Муҳаббат гули» телефильмини суратга олди. Бу картина ҳам Ўрта Осиё ҳамда Ҳиндистон халқлари ўртасидаги азалий дўстлик муносабатлариниараннум этади.

Тожикистонлик атоқли адабиёт ва санъат арбоблари республикамизда меҳмон бўлиб турибдилар. Кинотеатрларимизда қардошларимизнинг янги фильмлари намойиш қилинмоқда. Биз ҳамкасб дўстларимизни бағримизни кенг очиб кутиб олдик. Улар билан ижодий учрашувлар бўлмоқда. Бу ҳамкорлик, бу дўстона мулоқот янада мустаҳкамлана боришига, ажойиб самаралар беришига, асло, шак-шубҳа йўқ.

Латиф ФАЙЗИЕВ,
кинорежиссёр, Ўзбекистон ССР халқ артисти.

Тошкент марказидаги Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг Марказий кўргазмалар зали шу кунларда тасвирий санъат ихлосмандлари билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Республикамизда катта муваффақият билан давом этаётган тожик адабиёти ва санъати кунларига бағишланиб бу ерда Совет Тожикистони мўйқалам усталарининг асарлари ва болалар расмларининг кўргазмаси намойиш қилинмоқда.

Томошабинлар бу асарлар орқали қардош тожик халқининг шонли ўтмиши, бугунги қайноқ ҳаёти, бахтли келажаги билан яқиндан танишмоқдалар. Суратда: (юқорида) профессионал рассомлар асарлари ва (пастда) болалар чизган расмлар қўйилган залларда.

С. Маҳкамов фотолари.

ТУРМУШ ВА ТИББИЁТ

НАЖОТКОР

Машҳур олим Одил Шокиров ҳақида анчагина рисолалар ўқиганмиз. Халқ табобатини ижодий ўрганиб, совет медицинасига бунчалик катта ҳисса қўшган шифокорнинг истеъдодига қойил қоласан, киши. Унинг тинимсиз изланиши ва фидокорлиги туфайли мўмиё қанчадан-қанча шикастланганларни ҳаётга қайтарди.

Биз олимнинг сўнгги йиллардаги илмий-амалий кузатишлари натижасида даволашда қўлланилаётган янги усул ва дори-дармонлар, у хизмат қилаётган илмий-тадқиқот институтидаги катта ўзгаришлар ҳамда тадқиқотчининг шу кеча-кундузидаги фаолияти ҳақида газетхонларимизни хабардор қилмоқчимиз.

МУМИЁНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Одил Шариповичнинг ташқи қиёфасида кўзга яққол ташланиб турган соддалик ва самимият эркин суҳбатга кенг йўл очди. У мактубни ўқиб чиққач чеҳрасида майин табассум пайдо бўлди. Кейин болаларга хос беғуборлик билан кулиб:

— Майли, қани нимадан бошлаймиз? — деди ва яна бир пасда жиддийлашиб ўйга толди. Унинг бу ўтириши умрининг қирқ беш йилини шифокорликка бағишлаб мамлакатимиздан ташқарида ҳам танилган олимдан кўра, муҳим имтиҳон олдидан фикрларини жамлаб олаётган талабага кўпроқ ўхшарди. Бироз сукутдан сўнг у ҳарбийларга хос оҳанг билан ҳар бир сўзни дона-дона қилиб аниқ ва бурро гапира бошлади...

Куни кечагина профессор ҳаётида катта воқеа содир бўлган эди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, уруш ветеранлари Совети комитети Тошкент секциясининг раиси Б. Д. Бобоев О. Шокировнинг кўксида порлаб турган йигирмадан ортиқ орден ва медаллари ёнига «18-армия қатнашчиси» нишонини ҳам тақиб қўйди. Бу мукофот шиддатли жанглар пайтида ёш жарроҳнинг Леонид Ильич Брежнев билан учрашган онларини эслатди. Новороссийскка яқин бўлган Тимирлук шаҳридаги медицина-санитария батальонида майор Одил Шокиров операция билан банд эди. У бир кунда ўнлаб ярадорларни операция қилар, баъзан туну-кун тиним билмасдан ишларди. Шундай долзарб пайтлардан бирида 18-армия комиссари Леонид Ильич қисмларни айланиб юриб санбатдаги аҳвол билан қизиқиб қолди:

— Ўртоқ майор, ярадорларга ёрдам қандай кетяпти?

— Жуда яхши, ўртоқ полковник.

— Омад тилайман.

— Раҳмат.

Суҳбат жуда қисқа бўлди. Аммо умрбод эсда қолди. Шундан буён анча вақт ўтди. Рейхстаг устида Ғалаба байроғи ҳилпирагач О. Шокиров Тошкентга қайтди. Энди у оддий врач эмас эди. Уруш йилларида 20 мингдан ортиқ операция ўтказган, бой тажрибали, қўли енгил нажоткорни азим пойтахт қувонч билан бағрига олди. О. Шокиров эвакогоспиталь бошлиғи сифатида оёқ-қўллари шикастланган, ярадор бўлган инвалидларни даволай бошлади. 1946 йилда Совет Армияси сафида хизмат бурчини ўтаб бўлгач Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтида ишини давом эттирди. У кичик илмий ходимликдан машҳур олимликкача бўлган давр ичида суяк хирургияси билан шуғулланди. Унинг кандидатлик иши «Шарқда синган, чиққан, лат еган суякларни даволаш усули» деб аталди. Олим халқ медицинасини пухта ўрганди. Юзлаб табиблар билан суҳбатлашиб, уларнинг ишларидаги ижобий томонларни фанга, ҳаётга олиб кирди. У Абу Али ибн Сино, Беруний меросини чуқур ўрганган ҳолда синган суякларни даволашни тезлаштиришда мўмиёи асилнинг сирларини илмий равишда асослаб берди. Бунинг учун олим кўп йиллар давомида эринмай жониворлар устида тажриба ўтказди. Ўз илмий қарашининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилгач, мўмиё инсон саломатлигига хизмат қила бошлади.

Изланиш, меҳнат, тажриба Одил Шариповични фанда юксак поғоналарга кўтарди. У янада баландроқ чўққиларга интилди. Иликсимон суяклар-болдир, тирсак, билак синганда мўмиёни қўллаш бўйича амалий-илмий тадқиқот олиб борди. Бу интилиш муваффақиятли чиққач, 1967 йил 25 майда Москвада докторлик диссертациясини ёқлади. Пойтахтдаги марказий травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтининг академиклари, профессорлари ўзбекистонлик олимга якдиллик билан овоз бердилар. Ўша кундан сўнг сал ўтмай «Правда»: «Мўмиё пойтахдан Тошкентга келди» деган хушхабарни эълон қилди. Бу диссертациясини шараф билан ёқлаб қайтган олим учун катта бахт эди.

ФАН ФИДОЙИЛИКНИ СЕВАДИ

О. Шокиров илм-фаннинг юксак довонларини эгаллагунча анча машаққатлар чекди. Бу орада тоғ маъданининг шифобахш қудратига ишонмовчилар ҳам топилиб, тадқиқотчининг йўлини тўсмоқчи бўлдилар. Аммо қатъий ишонч, фидойилик, интилиш устун келди. Одамлар саломатлигини кўзловчи порлоқ йўлда олим ёлғиз қолмади. Республикамизнинг машҳур илм-фан ташкилотчилари О. Содиқов, И. Комилов, А. Султонов, Ҳ. Усмоновлар тоғ маъданининг химиявий хусусиятларини аниқлаб Одил Шариповичнинг тадқиқоти катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган бўлсалар, Ўзбекистон ССР Геология министри Ҳабибулла Тўлаганов олимга мўмиё конларини излаб топишда мададкор бўлди. Одил Шарипович махсус экспедиция составида фан фидокорлари геологлар, чўпонлар билан бирга Чотқол, Туркистон, Зарафшон тоғ тизмаларига кўп бора кўтарилди. Республикамизда бу ноёб тоғ минералининг мўл оқсайди. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Олим кабинетига ўзининг сафдоши Л. Н. Кудряшовни чақирди. Сунъий бармоқлар ҳақидаги мулоҳазаларини ўртага ташлади ва малакали инженерларни бу муҳим ишга тортиш зарурлигини таъкидлади. Улар топилгач узоқ вақт баҳслар, панжа томирларига, асаб катакчаларига мос келувчи материаллар устида мулоҳазалар, қизғин баҳслар давом этди. Ниҳоят янгилик туғилди. Иссиқ-совуқ- эканлиги аниқлангач, у изланишлар кўламини янада кенгайтириб юборди.

Мўмиёи асилни **очиқ синишларда қўллаш** институтда эришилган энг сўнгги ютуқлардан биридир. Одил Шарипович институт директорининг фан бўйича ўринбосари сифатида ўз шогирдлари билан бу соҳада муваффақиятли иш олиб бормоқда. Олимлар мўмиё эритмаси шимдирилган докани чирий бошлаган ёки эндигина газак ола бошлаган суякка москвалик травматолог, профессор В. И. Лошчилов яратган ультра товуш аппарати ёрдамида сингдириш, айни бир пайтда бу ноёб дорини маълум бир меъёрда ичириш билан синган суякни барвақт битишига эришдилар. Бу ҳолатда синган суяк оддий даволанганга нисбатан 12—18 кун илгари асл ҳолига келиши таъминланди. Институт олимлари дарз кетган, енгил синган суякларни икки минутда пайвандлаб қўйишаётганини ҳали кўпчилик билмайди.

Одил Шарипович ижодий орзуларининг ушалишида унинг изидан бориб катта ютуқларга эришаётган шифокорлар — медицина фанлари доктори Ўткир Исломбеков, медицина фанлари кандидати Оқил Шарифхўжаев, илмий ходим Мукаррам Ҳошимова, Туроб Шермуҳамедов, Тошпўлат Нуриев, Алишер Зокиров, Зуҳриддин Иброҳимовлар номи ҳам Ўзбекистонга машҳур бўлиб қолди. Улар ўз мураббийларини аниқ мақсад сари йўналтириш қобилиятига эга бўлганлиги учун ҳам чуқур ҳурмат қиладилар. Айниқса бу фазилатлар **сунъий бармоқлар** яратиш ғоясининг пайдо бўлишида аниқ сезилди.

Ҳаракатланувчи бармоқлар ясаш иштиёқи олимга ўттиз йилдан бери тинчлик бермай келарди. Бу ҳақда О. Шокировга устози таниқли шифокор Б. И. Берлинер ҳам бир неча бор айтганди.

Бир куни профессорнинг ҳузурига бармоқларидан ярмини арра қирқиб кетган дурадгорни олиб келишди. Бир неча кун ўтгач бемор клиникадан тўмтоқ панжалар билан уйига йўл олди. Одил Шариповичнинг ичи сидирилиб кетгандек бўлди. Наҳотки жаҳонда машҳур ясама қўлни яратиб қўйган институт панжаларга келганда



ни яхши сезадиган, ихчам, қулай сунъий бармоқлар дастлаб институт олимлар кенгашида, кейин Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг коллегиясида тасдиқдан ўтди. Яқинда эса Л. К. Кудряшов, М. Н. Баргман, О. Ш. Шокиров, Л. Ш. Гайнуллаевичлар сунъий бармоқлар учун «СССР Давлат кашфиётлар ва ихтиролар комитетининг авторлик гувоҳномаси»ни олдилар.

Профессор Одил Шарипович ҳақида гап боргудек бўлса институт олимлари унинг ғайрати, илм йўлидаги фидокорлиги, одамларга меҳрибонлигини алоҳида тилга олишади. У 1970 йилдан бошлаб Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти директорининг фан бўйича ўринбосаридир. Айни бир пайтда жамоатчилик асосида мураккаб травматология бўлимини бошқариб келмоқда. У илмий раҳбар сифатида ўнлаб фан докторларини ва кандидатларини камолга етказди. Ўзи 160 дан зиёд илмий рисолалар яратгани ҳолда институт олимларининг 200 дан кўпроқ илмий ишларига раҳбарлик қилди. О. Шокировнинг қатор илмий мақолалари ва китоблари Польша, Болгария, Греция, Япония, Монголия, ГДРда нашр этилди.

Йигирма йилдирки О. Шокиров Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги IV Бошқармасининг доимий, 1968 йилдан буён эса СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги IV Бошқармасининг штатсиз маслаҳатчисидир.

БУНДА ТОЛЕ ҲАР НАРСАДАН МЎЛ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Одил Шарипович фақат илмдагина бўстон яратиб қолмади. У ўз оиласида ҳам беқиёс чаманзор бунёд этди. Унинг умр йўлдоши, медицина фанлари доктори профессор Евдокия Васильевна Лузина Тошкент Давлат Медицина институти ҳарбий-дала хирургияси кафедрасининг мудири. Ўғли Эркин Шокиров тиббиётга меҳр қўйиб медицина фанлари доктори деган унвонга сазовор бўлди. Қизлари Фотима ва Зуҳралар ҳам шифокорлик касбини танлашган. Наташа эса санъатшунос бўлиб етишди.

Одил Шариповичнинг уйида бўлган киши қатор бюстларга кўзи тушади. Улар орасида кенг пешонали, кўзлари сермаъно, бутун чеҳрасидан донишмандлик ёғилиб турган Ибн Сино сиймоси ҳам бор. Бюст тагига кичкина ҳарфлар билан «Авторлар: О. Ш. Шокиров, Е. В. Лузина» деб ёзиб қўйилган. Бу бежиз эмас. Евдокия Васильевна билан Одил Шарипович бўш вақтларида ҳайкалтарошликни ҳам машқ қилишади.

—Бу, Одил Шарипович, ўттизинчи йилларда, — дейди Е. Лузина бир бюстга ишора қилиб. — Унда Самарқанд областининг Пахтакор районида биринчи иш бошлаган йилларимиз эди. Энди янгисини тайёрламоқчиман. Профессорингизни бугунги кундагидек салобатли, нуроний, худди парвозга шайланган бургутдек эпчил қилиб тасвирлаш ниятидаман. Ахир у илмда озмунча парвоз қилмади-ку.

Евдокия Васильевна юз фоиз ҳақли. Сино меросини чуқур ўрганиб, ундан ижодий фойдаланиб, оғир дардларга шифо топаётган, мажруҳларга қайтадан тан ясаб, уларга янги ҳаёт бағишлаётган етук олим, даволашнинг янги-янги усулларини кашф қилаётган бу ажойиб камтарин шифокоримизнинг медицина фанига қўшаётган ҳиссаси ғоят салмоқлидир. Илм-фан, изланиш ва инсон ақлидроки, тафаккури нималарга қодир эканлигини Одил Шокировнинг олижаноб ишларида яққол кўриш мумкин. Профессорга халқ саломатлигини сақлаш йўлида янги-янги илмий-ижодий парвозлар тилаймиз.

Сандвали ҲАСАНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Спорт

ТОШКЕНТЛИК ПОЙГАЧИ МАВҚЕИНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

ЖАҲОН велопойгасининг навбатдаги ўн иккинчи босқичида шахсий ҳисобда пешқадамлик қилаётган тошкентлик халқаро классдаги спорт мастери Шоҳид Загриддинов мавқеини янада мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. У Ополе-Лодзь оралиғидаги 183 километрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтди. Спортчимиз 4 соат 59 минут 45 секунд натижа кўрсатди. Ўн икки босқич якунига кўра 43 соат 59 минут 06 секунд вақт кўрсатган Ш. Загриддинов якка пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринни эгаллаб турган бизнинг спортчимиз Сергей Сухорученконинг вақти 44 соат 04 минут 50 секунддир. Учинчи ўринда ҳам СССР терма командаси аъзоси Иван Мишченко бормоқда.

Кеча спортчилар Лодзь кўчалари бўйлаб 20 километрлик шахсий пойгада, сўнгра эса Лодзь — Варшава оралиғидаги 136 километрлик ўн тўртинчи босқичда мусобақалашдилар. Бу билан жаҳон велосипед пойгасига якун ясалди.

СТУДЕНТЛАР УСТУН

ЭРКИН кураш бўйича республика команда чемпионатида турли кўнгилли спорт жамиятларининг вакиллари иштирок этди. Финалда ғолиблик учун «Пахтакор» — «Буревестник» командалари учрашишди. Студентларнинг қўли баланд келди. Бу жамият спорт шарафини ҳимоя қилганака-ука Асадулла ва Юсуп Ожоев, Виктор Экштейн, Эдуард Фатников, Аслан Хадарцев ва Виктор Шиловлар рақибларини енгиб, командаси ғалабасига катта ҳисса қўшишди. 6:3 ҳисобида ғолиб келган «Буревестник» полвонлари республика чемпиони бўлишди. «Пахтакор» командаси иккинчи, «Меҳнат» вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

РЕСПУБЛИКА комсомоли Марказий Комитетининг «Ёшлик» кубоги учун уч шаҳарда ўтказилган саралаш учрашувлари ниҳоясига етди. Тошкент шаҳрининг биринчи ва иккинчи, Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Андижон области футболчилари зоналарда ғолиб келиб, финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Кубок эгаси июнь ойининг дастлабки ҳафтасида маълум бўлади.

ШАХМАТЧИЛАР ФЕСТИВАЛИ

ҚИБРАЙДА анъанавий шахмат фестивали бошланди. Тошкент-81 турнирида РСФСР, Украина, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон республикаларининг 70 дан зиёд вакили дона сурмоқда. Мусобақалар швейцарча услубда ўтказиляпти. Тошкентлик Одил Содиқов, Валентин Берников, Маҳмуд Магриповлар турнирни ғалаба билан бошладилар.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

7 ИЮНГАЧА

КУЛГИ КЕЧАСИ

ПРОГРАММАДА:

МОСКВА ЦИРКИНИНГ 10 ТА МАСХАРАБОЗИ ИЖРОСИДА КЛОУНАДАЛАР, РЕПРИЗЛАР, МИНИАТЮРАЛАР, ЮМОР, ИНТЕРМЕДИЯЛАР.

«ТОМОШАБИНЛАРНИНГ БЕГЕМОТДА САЙР ҚИЛИШЛАРИ»

Сценарий автори — Юрий НИКУЛИН.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари 13.00, 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари 10, 13, 16, 19.30 да бошланади.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ИШЛАМОҚДА.

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

44-35-91, 44-35-84 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг

4-АВТОМОБИЛЬ КОРХОНАСИ

профессионал-шофёрларни тайёрловчи курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 5,5 ой.
45 сўм стипендия берилади.

Курсга ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган ва Тошкент шаҳрида прописка бўлган йигитлар қабул қилинади.

Хоҳловчилар автослесарь бўлиб ишлашлари мумкин.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент область, Қуйлиқ посёлкаси, Туёна кўчаси, 205-уй (68-автобуснинг «АТП-4» бекати).

Телевидение

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — «Дуэнья». Телевизион бадиий фильм. 11.35 — Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 12.05 — Ёшлар ижоди. 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Қишлоқда оддий иш кунлари. Кинопрограмма. 15.50 — Урал баянчилар триоси чалади. 16.15 — Финляндия Компартияси XIX съездининг очилишига. «Финляндия бўйлаб». Кинопрограмма. 16.35 — Концерт. 17.20 — Москва ва москваликлар. 17.50 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Телевизион журнал. 20.05 — Халқ оҳанглари. 20.20 — «Имеретинча никоҳ». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.30 — Театр ва давр. КПСС XXVI съездига бағишланган спектаклларнинг Бутуниттифоқ кўриги ҳақида. 23.35 — Дунё воқеалари.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Санъат ғунчалари. 12.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 17.55 — Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Қўғирчоқ фильм. 18.10 — Ёшлик студияси кўрсатади. 18.40 — Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва республика Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Биз — Руставиданмиз. Музикали телефильм. 19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Қайрат» (Олмаота). Танаффус пайтида Ахборот. 21.10 — Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш. 21.30 — Время. 22.30— Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари. «Дўстларимиз киносанъати». 23.40 — Кўрсатувлар программаси.

Ўз ТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 18.50 — Абитуриентлар учун. 19.30 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Абитуриентлар учун.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—22[V да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22[V да **Олифта** (билетлар сотилган).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари -335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик— 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир—325894.

Р. 06303. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1610. 11